

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

TALABALAR UCHUN YO'RIQNOMA

Самарқанд 2010

Институт тарихи

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ташкил этилган Олий ўқув юртларидан бири бўлиб, 1929 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан ташкил этилган.

Институтини ташкил этишда Ўзбекистон, Россия, Украина мутахассислари фаол иштирок этдилар.

Ўтган 80 йил давомида институт нафақат Ўзбекистон балки Марказий Осиё, Озарбайжон, Грузия, Хитой, Муғулистон, Афғонистон, Болгария, Миср ва Куба мамлакатлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш маскани бўлиб хизмат қилди.

Ўтган давр мобайнида институтида 40 мингдан зиёд олий малакали мутахассислар тайёрланди. Шунингдек 4,5 мингдан зиёд қишлоқ хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар ўз малакаларини оширдилар. Институт ўзи етиштирган кадрлар билан ҳақли равишда фахрланади. Шулардан 30 нафар меҳнат қаҳрамонлари, Ўзбекистон, Россия, Тожикистон фанлар Академиясининг академиклари, МХД мамлакатларидаги йирик институтларнинг раҳбарлари, кафедра мудирлари, ҳукумат раҳбарлари, қонунчилик органлари раҳбарлари, 5 нафар Вазирлар ва ўнлаб вилоят ҳокимларидир.

Институтда 100 дан ортиқ докторлик, 400 дан зиёд номзодлик диссертациялари тайёрланган ва ҳимоя қилинган. Шулардан 22 та докторлик ва 55 та номзодлик диссертациялари Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин бажарилган ва ҳимоя қилинган.

Ҳозирги кунда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёни “Таълим ҳақидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида халқаро андозаларга мос равишда олиб борилмоқда.

Институтдаги 4 та факултетда умумий агрономия, агрохимё ва тупроқшунослик, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва селекцияси, ўсимликлар ҳимояси ва карантини, ўрмончилик, ипакчилик, иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида), бухгалтерия ва аудит, фермер хўжалигини бошқариш, қишлоқ хўжалигини мезанизациялаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси, ветеринария, зоотехния, қоракўлшунос технолог ва касбий таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Институтда 17 та бакалавриат таълим йўналишида 3000 дан зиёд талаба, 21 та магистрант, 30 та аспирант таълим олишмоқда.

Институтда фаолият кўрсатаётган 20 та кафедраларда 27 нафар фан докторлари, профессорлар, 140 дан зиёд фан номзодлари, 190 та катта ўқитувчилар ва 80 та ассистентлар меҳнат қилмоқдалар. Шулар орасида академиклар ва 10 дан зиёд хизмат кўрсатган фан арбоблари ва қишлоқ хўжалик ходимлари бор.

Бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув услубий ишлар, ўқув жараёни сифати тўғрисидаги назорат, академик лицейлар ва коллежлар билан алоқалар, ўқув услубий ва магистратура бўлимлари, малака ошириш ва

кадрларни қайта тайёрлаш маркази, ахборот ресурслари маркази, институт факултетлари ва кафедралари томонидан амалга оширилди.

Президент фармонлари, Республикада қабул қилинаётган ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қонунларни тушунтириш, шунингдек маънавий, тарбиявий ишлар, ижтимоий маданий, спорт соҳасидаги чора тадбирларни ташкил қилиш маънавий-маърифат маркази, факултетдаги декан муовинлари, “Камолот” ижтимоий ҳаракати ижтимоий фанлар кафедраси, профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Институт профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар аспирант ва магистрантлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича илмий изланишлар олиб боришдир. Буни асосан Давлат Грантлари асосида ва Республикадаги илмий муассасалар, МХД ва бошқа хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Сўнги 5 йилда 15 та муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар олинди, 10 та рационализаторлик таклифлари ва ишлаб чиқаришга тавсиялар, 7 та монография, 20 та рисола, 6 та илмий ишлар томлари, 35 та дарсликлар, 150 та плакат, 10 та справочниклар тайёрланди. Институт олимларининг илмий ишлари МХД мамлакатларида ва чет элларда чоп этилмоқда. Институтда ўқув ва илмий адабиётларни ўрганиш учун барча шароитлар яратилган.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар институтнинг ахборот-ресурс марказида жойлашган, унинг фонди 600 минг бирлик.

Институтда докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича 2 та ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Институт қошида 13 та ихтисослик бўйича аспирантура 6 та ихтисосликда докторантура мавжуд.

Институтнинг моддий техника базаси йилдан йилга ўсиб бормоқда. Кафедралар, ўқув ва илмий лабораториялар, замонавий асбоблар, техника ва компьютерлар билан таъминланган. Ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияси, умумий компьютерлаштириш, масофали ўқув ва янги педагогик технологиялар жорий қилинган.


Сўнги йилларда 90 та аудиторияларда қайта таъмирлаш ўтказилди. Таълимнинг 6 та янги йўналиши ўқитиш бўйича шароитлар яратилди. Шунингдек, магистратуранинг 20 та ихтисослиги бўйича ҳам ишлар олиб борилди. Кафедралар янги асбоб-ускуналар билан таъминланаяпти. Асосий бино ва ўқув полигонида кенг кўламда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Институтнинг ўқув тажриба хўжалиги ва полигонида ўқув ва илмий ишлар учун барча шароитлар яратилган.

Талабалар институтдаги меҳнат анъаналарига содиқ қолган ҳолда уларни давом эттирмоқдалар, фермер хўжаликларида фаол меҳнат қилмоқдалар, ишлаб чиқаришга илмий-техникавий ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.


Талабалар илмий жамияти, бадий ҳаваскорлари Республика ва халқаро кўрикларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Институт спортчилари доимий равишда Республика ва вилоят мусобақаларида, халқаро мусобақалар ва олимпиадаларда иштирок этмоқдалар. Улар орасида кўплаб спорт усталари ва номзодлар бор. Институтнинг ташкилий тузилмаси қуйидаги схемада факултетлар ва кафедралар кесмида келтирилган

ЖАМАРАҒАНД КҮШЛОҚ ХҲЖАЛІК ИНСТИТУТЫНЫҢ ТАШҚЫСЫҢИ ТҮЗІЛІШАСИ



САМАРҚАНД ҚУШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚС ТИТУТИВИНИНГ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ ВА ВА КАФЕДРАЛАРИ ТАРКИБИ



Факултетлар

Агрономия факултети 1929 йилда ташкил топган. Бу давр ичида 13 мингта мутахассис тайёрланган.

Факултетнинг 6 та кафедрасида 7 йўналишда бакалаврият ва магистрантлар тайёрланмоқда. Шулардан агрокимё, пахтачилик, тупроқшунослик, деҳқончилик, сабзавотчилик, ўсимликшунослик, дала экинлари селекцияси ва уруғчилиги бўйича аспирантура ва докторантура мавжуд.

Бугунги кунда агрономия факултетида ўсимликларни ҳимоя қилиш, агрокимё, тупроқшунослик, ўсимликшунослик, селекция ва уруғчилик бўйича илмий мактаблар яратилган ва муваффақият билан фаолият юритмоқда.

Факултетда картошка селекцияси ва уруғчилиги бўйича чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек фермер хўжаликларида асосий экинларни етиштиришда ўғитлар самарадорлигини ошириш, илмий асосланган агрономик, агрокимёвий, уруғчилик консалтинг хизматини ташкил қилиш устида ишламоқдалар.

Ветеринария, зоотехния ва қоракулчилик факултети 1929 йилда ташкил топган. Ўтган давр мобайнида факултетда 15 мингдан зиёд ветеринария врачлари, зоотехник ва қоракулчилар тайёрланган.

Ҳозирги кунда факултетнинг 6 та кафедраларида 5 та йўналиш бўйича бакалаврият ва 7 та ихтисослик бўйича магистратура фаолият кўрсатаёпти. Булар: диагностика, ҳайвонларни даволаш, ветеринар-хирургия, патология, онкология ва морфология, паразитар касалликлар, юкумли касалликлар, кинология ва итлар касалликлари, тренинг ва от касалликлари, отчилик ва туячилик, ҳайвонлар селекцияси ва кўпайтириш, қоракулчилик ва қорамолчилик маҳсулотларини етиштириш. Кафедраларда аспирантура ва докторантура мавжуд.

Ўтган йиллар мобайнида факултетда қўйидаги илмий мактаблар яратилган: паразитология, анатомия ва морфология, юкумсиз касалликлар, хирургия, эпизотология, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, хусусий зоотехния ва қоракулчилик муаммоларини ўрганиш ва изланишлар олиб бориш. Ҳозирги кунда факултетда паразитология, хирургия, физиология, эпизотология ва микробиология, анатомия ва морфология ҳайвонлар селекцияси ва қоракулчилик бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Факултет олимлари фермер хўжаликларида чорвачилик фермаларини ташкил қилиш ва илмий асосланган ветеринария даволаш хизматини консалтинг тизимини ташкил қилишда ёрдам бермоқдалар.

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигини бошқариш факултети 1980 йилда ташкил топган. Ўтган давр ичида иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби бўйича 8 мингта мутахассис тайёрланди.

Факултетнинг 3 та кафедрасида 3 та йўналишда бакалаврият, магистратура ва аспирантурада мутахассислар тайёрланмоқда.

Факултет кафедраларида иқтисодиёт, қишлоқ хўжаликни бошқариш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича илмий мактаблар яратилган. Булар ҳозирги кунда

фермер хўжаликларини бошқариш тизимини оптималлаштириш бўйича изланишлар олиб бормоқдалар. Кафедраларда аспирантура мавжуд.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш технологияси факултети 1980 йилда ташкил топган. Бу давр мобайнида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мутахассисликлари бўйича 4 мингта мутахассислар тайёрланди.

Ҳозирги кунда факултетнинг 4 та кафедрасида 2 йўналишда бакалаврлар ва шу мутахассисликлар бўйича магистрантлар тайёрланмоқда. Деҳқончиликни механизациялаш факултетиде аспирантура очилган. Факултет қошида ўқув синов полигони ташкил этилган. “Тракторчи- машинистлар” тайёрлов маркази ва автошкола мавжуд.

Ҳозирги кунда факултет кафедраларида химик-технолог ва муҳандис механиклар мактаби мавжуд.

Сўнги йиллардаги изланишлар муҳандислик таъминотни такомиллаштириш, фермерларга сервис хизмати кўрсатиш ва кичик корхоналар ташкил қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ва бошқаларга қаратилган.

Институтда халқаро андозаларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш ва илмий изланишларни чуқурлаштириш учун кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга катта этибор берилаяпти. Шу мақсадда Россия, Хитой, АҚШ, Германия, Исроил, Япония, Болгария, Малайзия, Голландия, Франция, Миср, Ҳиндистон мамлакатлари институтлари ва Университетлари билан алоқалар ўрнатилиб шартномалар тузилган. Бир неча халқаро лойиҳалар бўйича ишлар бажарилмоқда. Бу алоқаларга асосан ёш мутахассислар, магистрлар, аспирантлар ва олимлар амалиёт ўтайдилар, малака оширадилар ва изланишларнинг бир қисмини ўша институтлар лабораторияларида ўтказадилар.

Институтда ободонлаштирилган талабалар уйи, ошхоналар, маиший-хизмат кўрсатиш, спорт зали, стадион, умуман талабаларнинг шуғулланишлари ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Институт соғломлаштириш лагери ҳам талабалар хизматида.

Талаба қандай бўлмоғи лозим!

Азиз талабалар! Ўзбекистон Республикаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда барқ уриб ривожланаётган мана шундай бир вақтда Сизнинг ҳаётингизда ажойиб давр - талабалик даври бошланди. Сизнинг бу қутлуғ қадамингиз жонажон Ватанимиз мустақилликка эришган, халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олган, ўзига хос тараққиёт йўлига тушган ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида катта муваффақиятларга эришилаётган тарихий даврга тўғри келди.

Сиз тенгқурларингиз билан донғи неча минг йиллардан буён дунёга таралган, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида жойлашган Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг талабаси бўлдингиз. Билимнинг,

замонавий ихтисослик ва юқори малака олишнинг кенг, машаққатли, аммо илҳомбахш йўлига кирдингиз.

Мустақил Ватан Сизга замонавий билимлар хазинасини эгаллашга, шарафли касб эгаси - "Бухгалтер ва аудитор" бўлишга, жамиятда мўтабар ва муносиб ўрин эгаллашга катта имконият ва шарт-шароитлар яратмоқда. Сиз ана шу ғамхўрликнинг кадрига етинг. Сизга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилинг.

Бунинг учун Сиз, талабаликнинг дастлабки кунларидан бошлаб:

1. Таълим жараёнида домлаларингиз бераётгаи билим, малака ва кўникмаларни кунт билан ўзлаштириб боринг;

2. Китоблар, манбалар билан ишлаш, уларни конспектлаштириш, ўз олдингизга мураккаброқ муаммоларни кўйиш ва уларни еча олиш маҳоратини эгалланг;

3. Ўзингизда мустақил, ижодий фикр юритиш руҳиятини, ўз фикрингизни мутлақо мустақил, равон, гўзал ва лўнда ифода этиш малакасини шакллантиринг;

4. Ўзингизда батартиблик, масъулият, жавобгарлик, ижтимоий фаоллик хиссини уйғотишингиз лозим;

5. Аҳлоқан пок, маданиятли, жисмонан чиниққан бўлмоғингиз лозим.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг қуйидаги чақириқларини сиз қалбингизга жо қилиб олинг:

-бизнинг юртимизда яшаётгаи ҳар бир инсон ўз тақдирини Ватан тақдири билан чамбарчас боғлаган ҳолда курашиши ва меҳнат қилиши лозим!

-бутун куч-ғайратини она-юртга, унинг буюк келажагига бахшида этиш керак!

-азиз Ватанимизни асраш ва юксакликка кўтариш даркор!

-Ватан олдида инсоний ва фуқаролик бурчини виждонан адо этиш лозим!

Қўлингиздаги мазкур китобча ёки ҳозирги шароитда лекциялар курси деб номланадиган рисола Сизга илм сирларини билиб олишда, замонавий бухгалтер мутахассислигини эгаллашда кўмаклашади. Уни кунт билан ўқинг ва мағзини чақинг.

Олий таълим ҳақида Низом

Қадирли талабалар! Сизлар биринчи босқичнинг дастлабки кунларидан бошлаб Олий таълим олишнинг сир-асрорларини яхши тушинишингиз ва келгусидаги илмий фаолиятингизни ҳозирдан тўғри белгилаб олишингиз лозим. Шу сабабли бундан кейинги мавзу ва саволларда Олий таълим тўғрисида батафсилюроқ тўхталамиз. Умумий ўрта, ўрта махсус касб - ҳунар таълими негизидаги олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Олий таълим соҳасидаги Давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Таълим тарбиянинг гуманистик, демократик мазмунда эканлиги;
2. Университет таълимнинг устиворлиги;
3. Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ва кетма – кетлиги;
4. Таълим тизимининг дунёвий мазмунда эканлиги;
5. Давлат таълим стандартлари таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
6. Таълим дастурларини танлашга умумий ва табақалашган ёндашув;
7. Билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;
8. Олий таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;
9. Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлашувини таъминлаш.

Талабаларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш давлат грантлари ва тўлов контракти асосида абитуриентларнинг билим даражасини тест ва бошқа синов турларига биноан аниқлаш йўли орқали амалга оширилади.

Олий таълимнинг мақсади Ўзбекистонни юксак ривожланган демократик мамлакатлар даражасига илмий техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш билан таъминлай оладиган юксак маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларга эга юқори малакали рақобатбардош кадрлар етиштиришдир.

Олий таълимнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

1. Давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор замонавий таълим ва касб - ҳунар дастурлари асосида юқори самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали кадрлар етиштиришни таъминлаш.

2. Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, истиқболлари ва жамият талабларига биноан фан, техника, илғор технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрлар ўқитишини ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш.

3. Ёшларни миллий тикланиш мафкураси ва умуминсоний кадриятларини билиш асосида мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш. Давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш асосида таълим хизматлари бозорида рақобатли муҳитни шакллантириш.

Олий таълим муассасалари мутахассислар тайёрлашни олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари ва классификаторига мувофиқ амалга оширади. Олий таълим муассасалари томонидан таълим йўналишлари ва ихтисосликларининг рўйхати таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг ривожланиши билан аниқлаб борилади ва меҳнат бозори талаби ҳисобга олинган ҳолда даврий қайта кўриб чиқилади. Олий таълим 2 поғонага бўлинади:

Бакалаврият,
Магистратура.

Бакалаврият ихтисосликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган ўрта махсус, ўрта касбий таълим негизида муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълимдир. Бакалавр дастури

тугаллангандан сўнг битирувчиларга Давлат Аттестацияси якунларига биноан касб бўйича (бакалавр) даражаси берилади ва Давлат томонидан тасдиқланган намунада касбий фаолият билан шуғулланиш ёки олий таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура - аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриятдан кейин унинг негизида таълим муддати камида 2 йил давом этадиган олий таълимдир. Магистратура дастурини тугатган битирувчиларга «Магистр» даражаси ва диплом берилади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг қуйидаги турлари жорий этилади:

1. Университет
2. Академия
3. Институт

Университет - 1) Билим соҳалари ва билим бериш йўналишларининг кенг қамрови бўйича олий ва ундан кейинги таълим турлари дастурларини амалга оширади;

2). Олий таълим муассасалари турли иқтисодий соҳалар мутахассиси, касб ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш амалиётини бажаради;

3) Фанлар кенг қамрови бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боради.

4) Билимларнинг тегишли соҳалари бўйича илмий ва услубий марказ бўлади.

Академия - 1) Муайян билим соҳаларида ва кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича олий ва ундан кейинги таълимларнинг касбий таълим дастурларини амалга оширади;

2) Маълум соҳалар учун олий малакали кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади;

3) Фан, маданият, санъат соҳалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар бажаради;

4) Ўз соҳаси бўйича етакчи илмий ва услубий марказ бўлади.

Институт - 1) Одатда билимларнинг бир соҳаси доирасида олий ва ундан кейинги ташкилотларнинг касбий таълим дарсларини амалга оширади;

2) Халқ хўжалигининг маълум соҳалари учун мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширади;

3) Амалий ва фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилади. Олий таълимнинг муассасаларида йўналишлар бўйича факултетлар, бўлимлар ва талабалар академик гуруҳлари тузилади.

Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ 2003 йил 9 январдаги буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим ҳақида низом»га асосан Олий таълим икки поғонага - бакалаврият ва магистратурага эга.

Институтнинг 4 та факултетида 17 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 23 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади.

Институтда жами профессор - ўқитувчилар сони - 233 нафарни ташкил этиб, шундан фан докторлари, профессорлар - 23 нафар, (9,8 %), фан номзодлари, доцентлар - 96 нафар (41,2 %), илмий даражали катта ўқитувчилар - 20 нафар (8,5 %), илмий даражасиз катта ўқитувчилар - 10 нафар (4,2,0 %), илмий даражали ассистентлар - 15 нафар (6,2 %) ва илмий даражасиз ассистент ва ўқитувчилар 69 нафар (29,6 %) ни ташкил этади.

Илмий салоҳият 66 фоизни ташкил этади. Профессор - ўқитувчилар таркибидан хотин - қизлар 28 нафарни (12 %) ташкил этса, улардан 8 нафари илмий даражага эга.

Бугунги кунда институтда 20 та кафедра бўлиб, унда бакалавр ва магистр тайёрлашнинг давлат таълим стандартлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ўқув режалари ва дастурлар асосида ўқув жараёни олиб борилмоқда.

Кафедра - олий ўқув юрти (факултет) тузилишидаги, бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, услубий ишларни амалга оширувчи талабалар орасида маънавий - маърифий ишларини олиб боровчи, шунингдек, илмий ва илмий - педагогик кадрлар тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи, асосий тармоқ ҳисобланади.

Факултет - олий ўқув юртининг ўқув - илмий ва маъмурий тармоғи ҳисобланиб, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича талаба, аспирант ва докторантларни тайёрлаш ҳамда иқтисод, соғлиқни сақлаш ва маданиятга тегишли соҳаларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш, шунингдек, кафедраларнинг илмий - тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланади.

Тез орада сизга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси берилади ва шу билан биргаликда сиз институтда мавжуд бўлган барча талабаларга хизмат қилувчи бўлимлар хизматидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.

Ўқув жараёнини юқори даражада ўтказиш учун институтда барча шароитлар яратилган. Жумладан, замонавий компьютер ва техник воситалар билан жиҳозланган 46 та ўқув хонаси, шундан 10 та компьютер синфлари, 10 та 80 - 100 кишига мўлжалланган маъруза хоналари, 79 та лаборатория хоналари мавжуд бўлиб, умумий ўқув хоналарининг майдони 43531 м² ни ташкил этади.

Бир талабага 11,9 м² майдон, 100 нафар талабага 10 та компьютер тўғри келади.

Институт 1999 йилдан бошлаб «Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими» ташкил этилиб, институтимизнинг 21 нафар иқтидорли талабалари Германиянинг «LOGO - Фарбий ва шаркий Европа ўртасидаги қишлоқ хўжалиги ва экологик мувозанат» дастури асосида Германиянинг илгор фермер хўжаликлар ва қишлоқ хўжалик корхоналарида амалиёт ўтаб қайтишди..

Сўнгги беш йил давомида икки нафар магистрант ва 1 нафар тапаба Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндорлари, уч нафар иқтидорли талаба «Беруний» Давлат стипендияси совриндорлари бўлди. Кўп сонли илмий адабиётлар жамланган илмий кутубхона фаолият кўрсатмоқца.

Институтда 775 ўриндан иборат бўлган 2 та талабалар уйи мавжуд ва унда талабаларнинг яшаши учун барча шароитлар яратилган.

Бугунги кунда институт худудида 3 та ошхона, 5 та буфет фаолият кўрсатмоқда.

Институтда талабанинг фанлар бўйича ўзлаштиришини баҳолаш рейтинг тизими ўқув йили давомида мунтазам равишда қуйидаги турлар: жорий баҳолаш (ЖБ); оралик баҳолаш (ОБ) ва якуний баҳолаш (ЯБ) бўйича 100 баллик тизимда амалга оширилади.

Семестр давомида ўқитилган фанлар бўйича максимал баллнинг камида 55 фоизини тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Семестр давомида ўқитилган фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба, қониқарсиз ўқиётган талаба (академик қарздор) деб ҳисобланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади, яъни: 86 - 100 - аъло; 71-85 фоиз - яхши; 56 - 70 фоиз - ўрта; 55 фоиздан кам - қониқарсиз. Юқорида кўрсатилган балларни ўз вақтида тўплаган талабаларга балларига мос ҳолда ҳар ойда стипендия берилади. Биринчи босқичнинг 1 - семестрида фан асосида ўқиётган талабаларга 56 - 70 фоиз ҳисобидан, шартнома асосида ўқиётган талабаларга 71-85 фоиз балл ҳисобидан семестр давомида стипендия берилиб борилади, 2 - семестрдан бошлаб тўплаган баллга мос ҳолда стипендия миқдори ўзгариб боради.

Институтда устоз - шогирд тизими йўлга қўйилган. Талаба ихтиёрий ҳолда ўзига устоз танлаш ҳуқуқига эга.

Намунавий ўқув режага мос ҳолда талаба «Гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий фанлар», «Математика ва табиий - илмий фанлар», «Умумқасбий фанлар», «Ихтисослик фанлари» ва «Қўшимча фанлар» блокларидаги мавжуд фанларни ўқийди. Ихтисослик фанлар бўйича талабалар битирув малакавий иш ёзиб, Давлат аттестация комиссияси олдида ҳимоя қилиб, танлаган таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олади.

Институтда қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади

а) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (бакалаврият) ўқув шакли кундузги:

1	5140904	Касб таълими (агрономия)_
2	5140913	Касб таълими (зоотехния)
3	5140914	Касб таълими (ветеринария)
4	5340100	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)
5	5610100	Фермер хўжалигини бошқариш
6	5620100	Агрокимё ва агротупрокшунослик
7	5620200	Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича)
8	5620300	Ўсимликлар химояси ва карантини
9	5620400	Қишлоқ хўжалиги экинлари

		уруғчилиги ва селекцияси
10	5620500	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси
11	5620600	Зоотехния (тармоқлар бўйича)
12	5620800	Ўрмончилик
13	5620900	Ипакчилик
14	5630100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш
15	5640100	Ветеринария
16	5340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
17	5621200	Қорақўлчилик

б) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (бакалаврият) ўқув шакли -йўқ.

в) магистратура:

1. 5A620101- Тупроқшунослик
2. 5A620102-Агрокимё
3. 5A620201- Пахтачилик
4. 5A620202 - Ўсимликшўнослик
5. 5A620203 - Умумий деҳқончилик
6. 5A620401 – Селекция ва уруғчилик (экин гуруҳлари бўйича)
7. 5A620405-Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилигида биотехнология
8. 5A621101- сабзавотчилик ва полизчилик
9. 5A340102 - Тармоқлар иқтисодиёти;
10. 5A340900 - Бухгалтерия ҳисоби
11. 5A340201 - Менежмент
12. 5A640101- Ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш
13. 5A640102- Ветеринария жарроҳлиги
14. 5A640103-Ветеринария фармакологияси токсикологияси билан
15. 5A640104-Акушерлик ва сунъий урчитиш
- 16.5A640105-Ветеринария санитарияси, ветеринария-санитария экспертизаси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш гигиенаси
17. 5A 640106 - Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси
- 18.5A640107-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси ва иммунология
19. 5A640108 - Паразитар касалликлар
20. 5A640109-Юқумли касалликлар
21. 5A640110-Кинология ва итларнинг касалликлари
22. 5A640111- Тренинг ва от касалликлари
23. 5A620602-Наслчилик ишлари
24. 5A620603-Паррандачилик
25. 5A620604-Йилқичилик ва туячилик

26.5A620608-Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвон турлари бўйича)

27. 5A621201-Қорақўл қўйлар селекцияси

28. 5A620616- Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш ва технологияси

ТАЛАБАНИНГ ЛУҒАТИ

Ҳурматли талаба!

Сизга Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг тузилиши, унинг бошқариш тизимидаги бўғинлари, уларнинг ҳар бирининг ўқув жараёнида тутган ўрни ва роли, таълим олиш давомида сиз риоя қилишингиз зарур бўлган тартиб-интизомнинг эвг асосий қоидалари устида қисқача тўхталиб ўтамиз. Албатта, ўқиш давомида олий таълим муассасаларига тааллуқли бўлган, унинг мазмуни ва моҳиятини ифодаладиган томонлари билан тўлароқ танишиб олиш имкониятига эга бўласиз. Лекин тақдим этилаётган маълумотлар сизни янги шароитга, олий таълим муассасасидаги мавжуд шароитга тезроқ кўникиб кетишингизга ёрдам беради, деб ишонамиз.

Ректор - лотинча “rektor” сўздан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг раҳбари деган маънони англатади. Ректор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва у, ўзи раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасида "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" (дастур тўғрисида ўқиш давомида тўлиқ маълумотларга эга бўласиз) асосида таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга масъул. Шу билан бирга ректор олий таълим муассасаси фаолиятига тааллуқли келажакка мўлжалланган ишларни режалаштиради ва уларни амалга оширишни таъминлайди, олий таълим муассасаси ваколати доирасида ходимлар ва талабалар бажаришлари мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, талабаларнинг ўқиш шароитларини яхшилашга ва уларни ўз вақтида стипендия билан таъминлаб туришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Ректор олий таълим муассасасига раҳбарлик қилишда ўз ҳузурида тузилган илмий кенгаш, ўринбосарлари- проректорлар, факультет деканлари ва кафедра мудирлари фаолиятларига таянади.

Илмий кенгаш- олий таълим муассасасининг ректор раҳбарлигида проректорлар, факультет деканлари, етакчи кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар, аъло даражада ўқийдиган фаол талабалар таркибидан иборат жамоатчилик ташкилоти бўлиб, у таълим муассасасидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни уйғунлаштиришга қаратилган асосий масалаларни муҳокама этади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади. Талабалар илмий кенгаш мажлисга киритилган масалаларнинг муҳокамасида ундаги ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.

Проректор сўзи "про"-бирга ва "rektor" сўзларидан ташкил топган бўлиб, бирга бошқариш маъносини билдиради. Олий таълим муассасасаларида

проректорлар, асосан, қуйидаги масалалар бўйича": фаолият кўрсатадилар: **маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор; ўқув ишлари бўйича проректор; илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор; иқтисод ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор.**

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаси таркибида факультетлар ташкил этилади. Факультетда, одатда, бакалавриятнинг бир нечта таълим йўналишлари бўйича ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши мумкин.

Факультет - лотинча "fakultas" сўзидан олинган бўлиб, олий таълим муассасасининг ўқув- илмий ва маъмурий бўлинмаси маъносини билдиради. Факультетни декан бошқаради. Факультетда унинг йўналишига қараб бир нечта кафедралар фаолият кўрсатишлари мумкин.

Декан - (лот. Dekanus- ўнбоши; Қадимги Рим кўшинида 10 та аскарнинг бошлиғи) олий таълим муассасасида факультетнинг ўқув, илмий ва тарбиявий ишлари раҳбари. Факультет деканининг маънавий ва маърифат масалалари ҳамда ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари бўлади. Деканнинг идораси деканат деб аталади. Деканат олий таълим муассасасининг талабалар билан ишлайдиган асосий бўлинмасидир. Декан қуйидаги вазифаларни бажаради:

- факультет доирасида илмий кенгашга раҳбарлик қилади ва талабалар илмий- тадқиқот ишлари кенгаши фаолиятини назорат қилади;
- факультетнинг ўқув- тарбиявий, илмий-услубий, илмий- тадқиқот ишларига бевосита раҳбарлик қилади;
- ўқув режа, ўқув дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бажарилишини таъминлайди;
- кафедраларо илмий-услубий, илмий-амалий мажлислар ва конференцияларни ташкил қилади ва ўтказади;
- ўқув жараёни жадвали тузилишига раҳбарлик қилади;
- ўқув жараёнида талабаларнинг давомати ва ўзлаштиришини назорат қилади, уларнинг билим даражасини рейтинг тизими асосида баҳолашни ташкил қилади;
- ўқув жараёнига янги педагогик ўқув технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- талабаларни курсдан курсга ўтказиш, академик таътиллар бериш, давлат аттестациясига қатнашиш ва битирув ишларини химоя қилишга тегишли буйруқлар тайёрлайди;
- ўрнатилган тартибда талабаларни стипендияларга тавсия этади ва талабалар турар жойидан жой беради;
- факультетни аввал битирганлар билан алоқа ўрнатади. Уларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган ижодий тажрибаларини ўрганади ва уларни кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда қўллаб-қувватлайди;
- иқтидорли ва ўқишда алоҳида ютуқларга эришган талабаларга зарурий шароитлар яратиб беради;
- талабаларнинг мустақил иши учун шароит яратади ва унинг назоратини ташкил этади;

- таълим - тарбия сифатини янада ошириш мақсадида талабаларнинг оналари, васийлик, жамоатчилик кенгашлари аъзоларини бу ишга жалб қилади;
- талабаларни гувоҳнома, рейтинг дафтарчаси, бошқа ҳужжат ва маълумотлар билан таъминлайди.

Олий таълим муассасасида таълим йўналишлари ўқув режасидаги фанлар бўйича машғулотлар тегишли кафедралар томонидан амалга оширилади.

Кафедра (юнонча *kathedra* - стул, ўриндиқ - минбар, унга кўтарилиб маъруза ўқилади, нутқ сўзланади ва аудитория олдида чиқиш қилинади); олий таълим дастуридаги ўзаро боғлиқ фанларни ўқитиш ва соҳа бўйича илмий ва илмий - услубий тадқиқотлар ўтказувчи бўлинма. Кафедралар умумтаълим, умумкасбий ёки ихтисослик йўналишлари бўйича ташкил этилади. Кафедра олий таълим муассасасининг бошланғич ва асосий ўқув - илмий марказидир. Кафедрани унинг мудирини бошқаради.

Кафедра мудирини:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар асосида муайян фанлар бўйича ўқув жараёнини юқори даражада таъминлашга масъул;

- кафедрада ўтказилаётган илмий, илмий - услубий ишларни бошқаради;
- талабалар билими ва кўникмаларининг мониторингини олиб боради;
- дарсларга ўзаро ташрифларни ва очик лекцияларни ташкил қилади ва таҳлил этади;
- таълим йўналишлари бўйича кадрларга буюртма берувчи корхона ва ташкилотлар билан узвий алоқа ўрнатади ва ҳамкорликда иш олиб боради;
- фанлар бўйича ўқув жараёнининг адабиётлар билан таминланишини ташкил этади.
- Кафедрада профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистентлар фаолият кўрсатади.

Профессор (лот. *Professor* - мураббий) - илмий унвонли, олий таълим муассасасида асосий назарий машғулотлар (лекциялар)ни олиб боровчи ҳамда илмий - тадқиқот ишларига раҳбарлик қилувчи юқори малакали ўқитувчи.

Доцент (лот. *docens* - ўқитаётган) - тегишли илмий унвонли, фанлар бўйича назарий ва амалий дарслар, илмий тадқиқотлар олиб боровчи етакчи ўқитувчи.

Катта ўқитувчи — кўп йиллик илмий - педагогик иш тажрибасига эга бўлган, одатда, илмий даражаси бўлмаган ўқитувчи.

Ассистент (лот. *assistant* - қатнашаётган, ёрдамлашаётган) - профессор ёки доцент раҳбарлиги остида талабалар билан лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказувчи ўқитувчи. У кафедранинг илмий - тадқиқот, илмий - услубий ишларида иштирок этади.

Кафедра ўқитувчилари маъруза дарсларни икки ва ундан кўп гуруҳларни бирлаштириб, амалий машғулотларни бир академик гуруҳда, лаборатория дарсларини кичик гуруҳларда ўтказадилар. Талабаларнинг давомати, билими ва

кўникмаларини баҳолайдилар ва барча маълумотларни деканатга тақдим этадилар.

Ўқув гуруҳлари деканат томонидан таълим йўналишлари (мутахасисликлари) ва ўқитиш тиллари бўйича талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Ҳар бир гуруҳида деканат билан келишилган ҳолда гуруҳ сардори сайланади. Гуруҳ сардори гуруҳ аъзолари ва деканат ўртасидаги алоқаларни амалга оширади.

Ҳар бир ўқув гуруҳига деканат томонидан мураббий (куратор) бириктирилади.

Куратор лотинча "sigator" сўзидан олинган бўлиб, бирор иш, бирор шахс, бирор нарса устидан назорат олиб бориш топширилган ҳомий. Олий таълим муассасасида гуруҳ мураббийси талабалар билан маънавий - маърифий, тарбиявий ишларни олиб боради, яккама - якка суҳбатлар ўтказиши, ҳаётий маслаҳатлар беради. Зарур бўлган ҳолларда талабалар ота - оналари билан боғланади, ўз фаолияти тўғрисида деканатга мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

Ўқитиш муддати талабалар томонидан ўқув режа ва дастур ўзлаштирилиши учун белгиланган меъёрий муддатдир. **Бакалаврият учун бу камида 4 йил, магистратура учун камида 2 йил.** Ўқув жараёни ўқув йиллари бўйича амалга оширилади.

Ўқув йили - 2 сентябрдан 30 июнгача бўлган олий таълим муассасасининг фаолият даври. Ўқув йили, одатда, икки ўқув семестрига бўлинади.

Ўқув семестри - олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи, ўзаро боғлиқ фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми. Ўқув семестри давомида ўқув режаси асосида тузилган дарс жадвалига мувофиқ лекциялар, лаборатория ва амалий машғулотлар, семинарлар ва бошқа аудитория машғулоти ўтказилади.

Ўқув режаси - тегишли йўналиш ва мутахасисликлар бўйича ўқитиладиган ўқув фанлари ва курсларининг таркибини ҳамда уларнинг ўқув семестри бўйича ҳажмини соатларда белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

Дарс жадвали - олий таълим муассасасида ҳар ўқув семестри бўйича ўқув ҳафтасида (олти кунлик) муайян фандан ўқув машғулоғларини ўтказиш кетма - кетлигини белгилайдиган ҳужжат. Дарс жадвали, одатда, факультет декани томонидан тасдиқланади.

Лекция - ўқиш, ўқитувчининг ижодий тавсифидаги аудиторияда ўқув режаси бўйича ўтказиладиган назарий дарс машғулоти дир. Зарур ҳолларда ўқитувчи тегишли мавзу бўйича дарсдан олдин қўшимча материаллар тарқатиши мумкин.

Лаборатория ишлари ёки амалий машғулоти назарий билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустақамлашга қаратилган аудиториядаги ўқув машғулоти дир.

Семинар (лот. *seminarium* - кўчириб ўтказиш) - талабаларни мустақил таълим олиш, мустақил фикрлаш ва ижодий тайёрлаш учун мўлжалланган, уларнинг фан бўйича билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган аудитория ўқув машғулотларининг тури.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ҳафталик юкламаси 54 соатни ташкил қилади. Булардан 32 соати - аудитория машғулотлари, 22 соати аудиториядан ташқари мустақил иш.

Мустақил иш - назарий ўқитишнинг мустақил тарзда ташкил қилиш шакли. Бунда талабалар ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлайди, шу жумладан, интернет воситасида ўз соҳаси бўйича корхоналарда, илмий муассасаларда, лабораторияларда билим ва кўникмаларни мустақил равишда оширади.

Таълим дастурининг маълум бир қисми тугаллангач, одатда, баҳорги семестр якунида малакавий амалиёт ўтказилади.

Малакавий амалиёт - назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмалар ҳосил қилиш учун ўтказилади. Малакавий амалиёт тажрибали ўқитувчи раҳбарлигида, йирик корхона ва муассасаларда ўтказилади. Малакавий амалиёт натижалари бўйича талаба ҳисобот ёзади ва уни махсус комиссияда химоя қилади.

Ҳар бир олий таълим муассасаси ўзининг кутубхонасига эга.

Кутубхона — дарслик ва бошқа ўқув адабиётларидан жамоатчилик фойдаланишини ташкил этувчи маданий - маърифий ва ахборот маркази.

Кутубхона хизматларидан олий таълим муассасасида ўқиётган барча талабалар фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўқиш жараёнида ҳар бир талаба ўзига зарур бўлган ўқув адабиётларни белгиланган маълум муддатда олиши мумкин. Зарур адабиёт билан танишиб чиқиш учун кутубхона таркибидаги ўқув залларидан фойдаланиш мумкин.

Стипендия (лот. *stipendium*-тўлов, маош) - давлат олий таълим муассасасининг кундузги бўлимида яхши баҳолар билан ўқиётган талабаларга мунтазам (ҳар ойда) тўлаб бориладиган пул. Стипендиялар миқдори ва тўлаш тартиби тегишли Низом орқали белгиланади.

Ёш дўстим!

Сиз Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида талабалик йиллари давомида эслатмада келтирилгандан кўра бир неча ҳисса кўпроқ маълумотларга эга бўласиз. Шунга қарамай, мана шу озгина дастлабки билимлар сизнинг калбингизни она -Ватан учун ифтихор ҳислари билан тўлдиришига, сизнинг унга бўлган фарзандлик меҳрингизни оширишига, Ватаннинг гуллаб — яшнаши ва тараққиёти учун шараф билан хизмат қиладиган малакали мутахасис бўлиб етишишингизга кўмаклашувига ишончимиз комил.

Азиз талабалар! Сиз ҳозир ҳаётингизнинг энг асосий, энг нозик поғонасида турибсиз, чунки келгуси ҳаётингиз, жамиятдаги ўрнингиз бугунги хатти-ҳаракатингизга боғлиқ бўлади, уни қандай бошлашингиз билан боғлиқ.

Касбингизни тўғри танлаган бўлсангиз, унга меҳр ва муҳаббат билан карасангизгина, келгуси меҳнатингиз завқи ва самараси сизга ёр бўлади. Фақат шундагина сиз инсониятга, жамиятимизга фойда келтира оласизлар.

Сиз бугун олий таълим даргоҳига биринчи кадамни кўйдингиз. Сизларни ёш ниҳолга ўхшатса бўлади. Ниҳол ўз вақтида меҳр билан авайлаб парвариш қилинса, у вақти келиб катта бақувват дарахтга айланади. Инсон ҳам худди шундай. Сизнинг билимингиз, фикрлашингиз, дунёқарашингизнинг янада шаклланиши олий таълим даргоҳида таълим олаётган вақтга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда фан ва техниканинг жадал ривожланиши янги талабларни юзага чиқараяпти. Бўлажак қишлоқ хўжалик ходими муҳандис, бакалавр бу илмий техник тараққиётнинг етакчиси. Бугунги олий маълумотли мутахассис замонавий иқтисодий фикр, ташкилий ва бошқарув ишлари соҳиби бўлмоғи даркор. Ўта даражада маданиятли, электрон ҳисоблаш техникасидан фойдаланишнинг фаол услубларини қўллай оладиган ва албатта бирор бир чет тилини биладиган бўлиши керак. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган тақдирда олий ўқув юртимизнинг таълим ва тарбия соҳасида асосий мақсади: мамлакатга юқори малакали мутахассислар етказиб бериш билан бир қаторда уларни институтни тугатгандан кейин ҳам умрлари давомида ўз устларида мустақил ишлашга одатланишни ўргатиш ҳисобланади. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида муҳим вазифа - талабаларни тарбиялашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади.

Олий таълим муассасасида профессор - ўқитувчилар талабаларга мустақил фикр юритиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш услубиётини ҳам ўргатадилар.

Ўқув жараёни талабаларни тарбиялашнинг асоси ҳисобланади. Ўқув жараёни ўз навбатида ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда олиб борилиши лозим. Чунки замонамизнинг эътиборли хусусиятларидан бири фан ва ишлаб чиқаришнинг тобора яқинлашуви, бир-бирига боғлиқлигининг ўсишидир. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида ақлий ва жисмоний меҳнат ўзаро боғланиб, улар орасидаги фарқ йўқола бошлайди. Шундай экан, талабаларда меҳнатсеварлик хусусиятини шакллантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

Ректорнинг буйруғи асосида ўқишга қабул қилинган шахслар олий таълим муассасаси **талабаси** бўлиб ҳисобланади. Уларга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси берилади.

Олий таълим муассасига қабул Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисидаги Низомга асосан умумий - ўрта, хунар - техник, ўрта махсус (академик - лицей ва касб -хунар коллежи) маълумотиغا эга бўлган шахсларнинг аризаси ва тест танловига асосан давлат гранти ҳамда шартнома тўлови - контракт асосида амалга оширилади.

ТАЛАБАЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

СамҚХИ ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси берилади.

СамҚХИ га қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

СамҚХИ нинг талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

- олий таълим муассасаси ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олишга;

- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқишини талаб қилиш;

- олий таълим муассасаси ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

- илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

- олий таълим муассасасида қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Навоий ва Улуғбек номидаги Давлат стипендиялари, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

Олий таълим муассасасининг Талабалар турар жойига муҳтож талабалар олий таълим муассасасининг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, олий таълим муассасаси томонидан белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, олий таълим муассасасининг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга ўқишдан бўш вақтларида олий таълим муассасасининг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

. СамҚХИ дан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Илгари олий таълим муассасасидан маъмуриятнинг ташаббуси билан четлаштирилган шахсларни, барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

СамҚХИ нинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни СамҚХИ га ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

.СамҚХИ талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда СамҚХИнинг Уставига, Ички тартиб қоидалари ва Талабалар турар жойлари қоидаларига рия этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

Ушбу Устав ва олий таълим муассасасининг Ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда талабага нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан четлатиш.

Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- и) вафот этганлиги сабабли.

Олий таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 14-банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти - ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти - ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

Касаллик пайти талаба (ёки унинг ота-онаси) ариза ва тегишли маълумотномалар билан, одатда, бир ҳафтадан кечиктирилмасдан олий таълим муассасасига маълум қилинади.

СамҚХИ да таълимнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолдаги ўқув шаклларида муваффақиятли ўқиётган талабаларга уларнинг иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган имтиёзлар (маош сақланган ёки сақланмаган ҳолда кўшимча таътил, олий таълим муассасаси жойлашган манзилга бориш ва келиш учун йўл ҳақи ва бошқалар) берилади.

ТАЛАБАЛАР БУРЧЛАРИ:

- ўз мутахассислиги бўйича чуқур назарий ва илмий-амалий билимларни эгаллаш;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Республика Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарлари, нутқ ва мақолалари, миллий ғоя, халқимизнинг бой маънавий мероси, қадриятлари, маданияти, фалсафасини чуқур ўрганиш ва шу асосда миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини ўзларида шакллантириш ва тарбиялаш;
- ўзларининг ахлоқий, ғоявий-сиёсий, илмий, маданий савиясини, фаол гражданлик позициясини тинмай ошириш ва такомиллаштириш;
- кишилар орасида оммавий-маданий, тарбиявий ишлар олиб бориш кўникмаларини ҳосил этиш ва тарбиялаш;
- ўқув машғулотларига доимий равишда қатнашиш, барча ўқув дастурларида мўлжалланган ўқув-тарбиявий, илмий ишлар топшириқларини ўз вақтида бажариш;
- таълим муассасаси ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш;
- таълим муассасаси ва талабалар турар жойида жорий этилган ички тартиб қоидаларга тўла риоя қилиш;
- таълим муассасаси шаъни, обрўини сақлаш учун курашиш, жисмонан соғлом, ақлан етук, руҳан тетик, баркамол, ташаббускор, тadbиркор ва бунёдкор, мустақил Ватан олдидаги, истиқлол олдидаги масъулиятини чуқур ҳис эта оладиган, ўзлигини англаб етган, илғор, теран, кучли илмий тафаккурга, ўткир, ижтимоий-сиёсий туйғуга эга бўлган фидойи мутахассис бўлиб етишиш.

ТАЪЛИМ ОЛИШ ТАРТИБИ

Олий мактабда ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари ва масъулияти.

Кечагина умумий ўрта мактабда ўқирдингиз, бугун олий мактаб - Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг талабаси бўлдингиз. Институтда бошқа йўналишлар билан бир қаторда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши

бўйича олий маълумотли, юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрланади. Бу осонликча кўчмайди, албатта.

Аввало, Олий мактабда ўқишни умумтаълим мактабларидаги ўқишдан жиддий фарқини англаб, тушуниб етмоқ зарур. Юқори малакали бухгалтер касбини эгаллаш йўлидаги ўқиш ўрта мактабдаги ўқишдан анча қийин ва мураккаб бўлиб талабадан кўп вақт, катта ижодий меҳнат қилишни талаб қилади.

Олий мактабда ўқишнинг ўрта мактабдаги ўқишдан фарқи қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, талаба ўзлаштириши зарур бўлган билим ҳажми катта. Энди битта дарсликни ўқиб ўзлаштиришнинг ўзи етарли эмас. Ўрганилаётган ҳар бир мавзу бўйича бир неча китобларни - дарслик, ўқув қўлланмаларни, биринчи манбаларни, статистик маълумотларни, Президент асарлари, маърузалари, нутқлари ва Фармонларини, Олий Мажлисида қабул қилинган қонунларни, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, илмий-таҳлилий асар ва рисоалар ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш, уларни таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш талаб қилинади.

Иккинчидан, Олий мактаб талабаси балоғатга етган, етук, мустақил ҳаётга кирган инсон. Олий ўқув юртидаги таълим жараёни, ўқитиш шакллари ва методлари ўзи танлаган мутахассисликни эгаллашга онгли равишда интилаётган етук йигит-қизларга мослаштирилган. Агар ўрта мактабда ўқувчиларнинг берилган вазифани бажариши, ўзлаштириши ҳар куни назорат қилиниб, баҳоланиб борилса, Олий мактабда эса талабанинг билими ҳар куни эмас, рейтинг асосида, белгиланган муддатларда, назорат қилинади. Бунда Олий мактабда ўқитувчи сўрамайди, деб вақтни бекорга ўтказмаслик керак. Талаба ўқув материалларини ўз вақтида ўзи учун мустақил ўрганиб бориши зарур, акс холда кейин ўтиладиган янги мавзуларни тўлиқ тушунолмай қолади. Талаба ўзини ўзи назорат қилиши зарур.

Учинчидан, умум таълим мактабда ўқиган пайтингизда ўқув жараёни қандай ташкил этилганини, ўқув режаси, ўқув дастурлари нималигини тушунолмас эдингиз. Олий ўқув юрти талабаси эса ўқув жараёнининг қандай ташкил этилганини, ўқув режасини яхши билиши лозим. Ўрганилаётган ҳар бир фан бўйича ўқув дастурига эга бўлиши, унинг мазмуни ва талабларини тушуниб етиши зарур.

Тўртинчидан, олий таълим ўзининг юқори илмий савияси билан ўрта таълимдан фарқ қилади. Олий мактабда ҳар бир фанни ўқитиш фан ва ишлаб чиқаришнинг замонавий ютуқларига асосланади, ўрганилаётган фаннинг ҳозирги аҳволи, уни ўрганиш методологияси, долзарб муаммолари ўргатилади. Талабанинг ўзи ҳам институтда олиб бориладиган ўқув-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишларида бевосита қатнашиши зарур, иқтисодий билимлар клуби фаолиятида, илмий-амалий конференцияларда, фанларни илмий тўғаракларида, олимпиада ва конкурсларда фаол иштирок этиши керак.

Бешинчидан, умумтаълим мактабларида ўқув машғулотларининг асосий тури дарс бўлса, институтда ўқув машғулотларини бир неча шаклларида фойдаланилади:

- а) Маърузалар;
- б) Семинар машғулотлари;
- в) Амалий машғулотлар;
- г) Лаборатория машғулотлари;
- д) Давра суҳбатлари ва конференциялар;
- е) Консултациялар;
- ж) Ишлаб чиқариш амалиёти;
- з) Курс ишлари;
- и) Битирув малакавий ишлари;
- к) Реферат ишлари ва бошқалар.

Бу ўқув машғулотларини ҳар бири талабадан ўзига хос методик ёндашувни, юксак савияда тайёргарликни, фаоллик ва уюшқоқликни талаб қилади.

Демак, олий даражадаги бухгалтер мутахассислигини эгаллаш мураккаб ва масъулиятли жараёндир. Талаба биринчи курсдан олий ўқув юртида қандай ўқиш кераклигини билиб олиши, таълим олишнинг ўзига хос шароитларига тезроқ мослашиши ниҳоятда зарурдир.

Маърузани тинглаш ва ёзиб олиш

Олий ўқув юртида маъруза машғулоти ўқув жараёнининг асосий ва етакчи шаклидир. Шу боисдан институтда маърузалар ўқув вақтининг тахминан 40 фоизини ташкил этади.

Талабалар биринчи курсдан оқ маърузаларнинг моҳияти ва аҳамиятини, ихтисослиги бўйича билимларни эгаллаш ва ўзида мустақил илмий дунёқарашни шакллантиришда маърузаларнинг имкониятларини тушуниб олишлари зарур.

Булар нималардан иборат?

Биринчидан, домла маърузалари билан бутун ўқув жараёнини, талабалар фаолиятини муайян мақсадга йўналтириб туради. Ўқув машғулотларининг бошқа барча шакллари - семинарлар, амалий, лаборатория машғулотлари ва бошқалар талабаларнинг маърузаларни қанчалик тўғри, мукамал ўзлаштириб олганлигига боғлиқ. Маъруза талабанинг барча ишлари кўламини белгилаб беради.

Иккинчидан, маърузалар талабаларга ўқув режасига кирган барча фанларни, уларнинг энг муҳим ва мураккаб мавзуларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб олишга имконият беради. Маъруза ўрганилаётган масалани таҳлил қилишга, долзарб назарий ва амалий муаммоларни топа билишга ва уларнинг ечимларини излашга кўмаклашади. Талаба маърузалар орқали ўрганилаётган фанлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва боғланишни, у ёки бу фаннинг ўзини профессионал ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан

тайёрлашдаги ролини тушуниб боради, фанга нисбатан талабанинг кизиқиши ортади.

Учинчидан, маърузалар талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини, илмий дунёқарашни, билим асосларини. эгаллашга ижодий ёндашувни шакллантиради. Талаба маърузачи профессор-ўқитувчилар ёрдамида тўғри фикр юритишга, ўрганилаётган фаннинг қоидалари, қонун ва категорияларини асослаб бершига, уларнинг моҳиятини англашга, илм-фаннинг у ёки бу тармоғи қандай ривожланаётгани ва ҳали ҳал этилмаган муаммолари ҳақида илмий тасаввур ҳосил қилишга ўрганадилар.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш, бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган демократик ислоҳатлар шароитида маърузаларнинг аҳамияти янада ортмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар, уларнинг натижалари ўз ифодасини топган, албатта. Бироқ, уларни ҳар йили қайтадан тайёрлаш ва нашр этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам Сизнинг кўлингиздаги китобларда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишларнинг, ислоҳатларнинг сўнгги натижалари, ютуқлари ва мауммолари ёритилмаган бўлиши мумкин. Буларни Сиз маърузалар орқали билиб оласиз. Домлалар ўз маърузаларининг мавзулари доирасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётидаги ўзгаришларни, илмий-техникавий янгиликларни, йўлбошчимиз асарларида илгари сурилаётган назарий-методологик ва амалий масалаларни, Олий Мажлисда қабул қилинаётган Қонунлар ва ҳукуматнинг қарорларини ёритиб борадилар.

Бешинчидан, маъруза талаба мустақил ишининг асосий йўналишларини, мазмунини белгилаб беради. Талаба маърузанинг ана шу жиҳатини яхши англаб олгандагина ҳеч кимнинг аралашувисиз ўз устида мустақил ишлайди, турли фанларни ўрганади. Аммо, ҳали биринчи курс талабаси ўқитувчининг ёрдамисиз ўз мустақил ишини тўғри ташкил этолмайди.

Ҳар бир маъруза талабага нималарни билиб олишни, қандай адабиётлар ва биринчи манбаъларни ўқиш ва конспект олишни белгилаб беради. Бу талабанинг муваффақиятли ўқишининг гаровидир.

Олтинчидан, маърузаларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Талаба маъруза жараёнида устознинг меҳнатига ҳамнафас ва баҳраманд бўлади. Маъруза ўқиш осон эмас, у жуда катта меҳнатни, тинимсиз тайёргарликни талаб қилади, талаба буни сезади, таъсирланади, ўзида ҳам шундай ижодий меҳнат қилишга интилиш ҳисси шаклланади.

Маъруза жараёнида домла билан талаба ўртасида ижодий боғланиш, ўқитувчининг материални жонли, ёқимли овоз ва билимдонлик билан баён қилиши, ўз мантиқи, педагогик маҳорати, ҳаракатлари талабанинг маънавий ўсишига ижобий таъсир этади.

Тажриба кўрсатадики, ҳеч қандай дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-техник воситалар ва бошқалар ижодий, педагогик маҳорат билан ўқиладиган жонли маърузалар ўрнини босаолмайди.

Бирок, яхши маъруза ишнинг ярми холос, унинг иккинчи ярми талабага боғлиқ. Талаба маъруза тинглашга ва уни ёзиб олишга тайёрми? Маърузадан олдин, маъруза жараёнида, маърузадан кейин нима қилиш кераклигини билладими?

Энди ана шу масалалар тўғрисида фикр мулоҳазаларимизни баён этайлик. Аввало шуни таъкидламоқчимизки, талаба барча маърузаларга қатнашишга мажбур, бу унинг талабалик бурчи.

Маърузаларни йўналиш ва мақсадига кўра ўқув дастури асосида ўқиладиган тизимли курс маърузалари, муаммоли маърузалар, махсус курс маърузалари ва Давлат аттестациялари олдидан ўтиладиган умумлаштирилган маълумотлар берувчи маърузаларга ажратиш мумкин. Талаба барча турдаги маърузаларга қатнашиши шарт.

Талаба маъруза материалларини ўзлаштириб олиши учун олдиндан унга тайёргарлик кўриши лозим. Маърузага тайёргарлик кўриш деганда қандай ишларни тушунамиз? Ўрганилаётган фан бўйича ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмаларига эга бўлиши шарт. Улар орқали навбатдаги маъруза қайси мавзуда бўлишини аниқлаш лозим. Мавзу аниқлангач, дарслик ёки ўқув қўлланмадан мазкур мавзуга доир материалларни ўрганиши, қандай масалалар ёритилгани тўғрисида тушунчага эга бўлиши зарур. Ана шундай тайёргарлик маъруза материалларини тўлароқ ўзлаштириб олиш имкониятини беради.

Кўпгина талабалар аввал маърузани тинглаб, кейин ўқийдилар, бу ҳолат ўзлаштириш самарадорлиги даражасини пасайтиради.

Масалан, "Хорижий инвестицияларнинг моҳияти" мавзусидаги маърузадан олдин талаба унга тайёргарлик кўрса, ўқув дастуридан ушбу мавзунини топиб нималарни билиш зарурлигини аниқлаб олиб, "Хорижий инвестициялар" ўқув қўлланманинг ушбу мавзуси билан танишган бўлса ўқувчи маърузасини ижодий равишда тинглайди.

Тажрибадан маълумки, тингловчи маълум бир мавзу бўйича маълум даражада билимга, тасаввурга ега бўлса, ўша мавзуда ўқиладиган маъруза материалларини тез, енгил ва чуқур ўзлаштираолади.

Маърузага олдиндан тайёргарлик кўришининг аҳамияти яна шундаки, талаба маъруза жараёнида ўқитувчи нималар ҳақида гапириши мумкинлиги ҳақида олдиндан фикрлай олади, маърузачи билан ички алоқада бўлиб туради, унинг маърузага қизиқиши ортади, диққати ва ақлий фаолияти кучаяди.

Маърузага олдиндан тайёргарлик кўриш еҳтимол 1-1,5 соат вақтни талаб қилар, лекин пухта билим олиш, ўзлаштирган билимни хотирада мустаҳкам сақлашда унинг аҳамияти катта. Яна шуни ёдда тутиш лозимки, дарсликни бир-икки, лозим бўлса яна бир марта ўқиш мумкин, аммо маъруза бир марта бўлади, унда тушунтирилган илмий, назарий, амалий масалалар яна қайтадан тушунтирилмайди.

Яна бир муҳим масала маърузани тинглаш, ўқиб олиш, идрок эта олиш, масаласидир. Бу ҳам жиддий жараён. Айрим талабалар тинглаб ўтиргандай ҳолатда турадию, ҳеч нарсани ешитмайди. "Ўзим ҳар жойдаман,

кўнглим сендадур", деган ибора бекорга айтилмаган. Инсоннинг ўйи, фикрлаши нутқ орқали ифода етиладиган тушунчадан бир неча баравар олдинга чошиб кетади. Шунақаси ҳам бўладики, нутқнинг сўзлари орасида ўтган қисқа бир вақтда тингловчининг фикри беихтиёр қочиши, мутлақо бошқа масалаларда фикрлаб қолиши мумкин, фикр яна маърузага қайтиб ўқитувчининг сўзларини ешита бошлайди. Натижада тингловчи хотирасида бир неча сўзларгина қолади, аммо айтилган фикрнинг мазмунини идрок қилолмай қолади. Бу ерда гап ихтиёрий, онгли идрок етиш устида бормоқда. Ихтиёрий, онгли идрок етиш олдиндан белгилаб олинган бир мақсад бўйича ва бутун куч ҳамда иродани сарфлаган ҳолда рўёбга чиқади.

Талаба шуни яхши есда сақлаши лозимки, олий мактаб билишнинг уюшган, идрок етишнинг онгли, ихтиёрий жараёнларини амалга оширишни талаб қилади. Онгли идрок етиш талабанинг меҳнати, иродаси, ғайрат-шижоати евазига ҳосил бўлади. Хўш бунинг учун нималар қилиш керак?

Авалло талаба ўзини маъруза тинглашга тайёрлаши, яъни ўз имконият ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда (ешитиш қобилияти, кўриши ва ҳоказоларга қараб) ўқув хонасидан ўрин олиши, маъруза тинглашга ўзини сафарбар етиши, иш кайфиятини вужудга келтириши лозим.

Идрок етишнинг асосий шарти маърузага қаратилган диққат - еътибордир. Талаба маъруза материалларини ешитиш ва ўзлаштириб олиш учун ўзини маърузани тинглашга батамом сафарбар ета олиши керак. Маърузага алоқаси бўлмаган бирон нарса домланинг гаплари, тушунтиришлари, мулоҳазаларини ешитишга халақит бермаётганини, бирон фикр уни чалғитмаётганини ҳис қилиб ўтириш катта аҳамиятга ега. Диққат - еътибор инсоннинг иродасига боғлиқ. Талаба ўз иродасини ишга солиб, диққат - еътибори билан маърузани тинглаб ўтирадиган бўлса, фақат маърузада айтилаётган тушунчалар, билимлар ҳақида ўйлаб, уларга қулоқ солиб ўтирса маъруза материаллари унинг онгига тўла-тўқис сингиб боради.

Маъруза тинглаётган талабанинг диққат-еътибори тор, бир нуқтага қадалган ёки ёйиқ тарқоқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, маърузага қулоқ солиб, ёзмай ўтирган талабанинг еътибори тор, бир нуқтага қаратилган бўлади. Маърузани ёзиб бормаслик талаба имкониятини чеклаб қўяди, бир мунча вақт ўтгач, ешитганларини хотирлай олмайди, пировирдида талабанинг билими саёз бўлиб қолади. Психологларнинг тадқиқотлари кўрсатадики, 3-4 соат ўтгач хотирада маъруза асосий мазмунининг 45 фоизи, бир ҳафтадан кейин 30 фоизи қоларкан ва ҳоказо пасайиб бориши кузатилган.

Талаба маърузани тинглаш билан бирга ёзиб боришни ҳам билиши лозим. Маърузани тўлароқ ёзиб олиш, конспектлаштириш пухта, мукамал билим олишда талабага катта кўмакчидир. Маърузани ёзиб бориш талабанинг кўриш ва ешитиш сезгиларидан ташқари хотирлаб қолиш қобилиятини ҳам ривожлантиради ва мустаҳкамлайди.

Маърузани тўғри конспектлаштириш катта санъатдир, у катта ақлий меҳнатни талаб қилади. Домла нима деса ҳеч еътибор бермай ҳаммасини бирма-бир ёзиб бориш ҳам унача яхши натижа бермайди. Аслида маърузани сўзма-сўз ёзиб боришнинг иложи ҳам бўлмайди орада кўп сўзлар қолиб кетаверади ва пировардида конспект тушунарли бўлмай қолади.

Маърузачи томонидан айтилаётганларнинг мағзини чақиб, тушуниб олиб, ундан кейин кераклисини қисқароқ қилиб ёзиб олиш зарур. Ешитиш, тушуниш ва ёзма детал тартибга риоя етиш лозим. Ёзиш пайтида еътиборни фақат ёзишгагина емас, айни пайтда қулоқ солиш, ешитишни, айтилаётган тушунча, фикр мулоҳазаларни ҳам ўзлаштириб боришга ҳаракат қилиш лозим. Демак, талабанинг диққат-еътибори ёйиқ, кенг доирали бўлиши зарур. Бу бирданига бўлмайди, албатта. Маъруза пайтида талабанинг ёйиқ, кенг доирада еътибори машқ натижасида шаклланади. Талаба ўзида бундай еътиборни тарбиялаши керак. Ҳам тинглаб, ҳам ёзиб бориш жараёнида еътибор кучаяди, уюшқоқлик ошади. Талаба аста-секин ўзида ҳам бутун куч-ғайратини бир пайтнинг ўзида ҳам ешитишга, ҳам ёзишга сарфлашга ўрганади. Бугина емас талаба нималарни ёзиб бораётганлигини билади ва хотирасида қола боради. Талаба материални қанчалик тушунаётгани ва есда сақлаб қолаётганини назорат қилиб туриш кўникмаларига ҳам ега бўлиб боради.

Маърузани шу тариқа тинглаш ва ёзиш жараёнида талаба интеллектуал фаол ҳолатда бўлади, бу ўз навбатида талаба иш қобилятини кучайтиради ва кун давомида сақлайди. Талаба маърузада ҳамиша диққат билан ўтиришга ўрганади, ўйлайдиган, интеллектуал фаол бўлади.

Ҳар бир фан бўйича маърузани алоҳида умумий дафтарга сиёҳли ёки шарикли ручкада, чиройли ва тушунарли қилиб ёзиш лозим. Ёзиш пайтида маърузада айтилаётган муҳим тушунчалар, қоидалар, далиллар, методологик характердаги фикрларни ёзишга улгуриш лозим. Сўзларни қисқартиб ёзишга ўрганинг. Масалан, Ўзбекистон Республика деган сўзларни- ЎЗР, бозор муносабатларини - боз.мун-ри ва ҳоказо.

Маъруза мавзуси ва режасини, мавзу бўйича тавсия этилган адабиётларни тўла ёзиб олиш муҳим аҳамиятга ега. Маъруза жараёнида бир масаладан иккинчи масалага ўтиш пайтини англаш лозим.

Маърузачи бирон бир асардан, биринчи манбадан ситата ўқиб берса, уни тўла ёзишга улгуриб бўлмайди. Шунинг учун ситатани қисқача мазмунини ёзиб, китобнинг ёки манбанинг номини ва бетини ёзиб олиш керак. Кейинчалик уни топиб ситатани тўла ёзиб олиш мумкин бўлади.

Тез ёзиш малакасини ҳам ўрганиш зарур. Талаба минутига 15-20 сўз ёза олса яхши натижага еришади.

Ҳар бир мавзунини янги бетдан бошлаш лозим. Ёзиш пайтида дафтар саҳифасидан каттароқ очик жой қолдириш зарур.

Бошқа бир талабанинг конспектидан фойдаланишга уриниш фойда бермайди. Тажриба бировнинг конспектидан ўқиб билиш учун сарфланадиган вақт самарасиз эканлигини, ижобий натижа бермаслигини кўрсатади.

Талаба маърузани ешитди ва конспектлаштирди. Бу билан иш хали томом бўлмади. Шу куни уйга, талабалар турар жойига келгандан кейин маърузада ёзиб олган конспектни ўқиб чиқиш, қайта ишлаши ва тўлдириши лозим. Ўқиётганда муҳим сўзларнинг тагига чизиб қўйиш, сўзлар тушиб қолган бўлса қўшимча қилиб ёзиб қўйиш, ортиқча ёки такрор ёзилган сўзлар ёки жумлалар бўлса ўчириб ташлаш керак. Шу тариқа конспект тартибга солинади.

Шундан кейин дарслик ёки ўқув қўлланмасидан маъруза мавзусини топиб ўқиш ва конспект билан солиштириш лозим. Бу жараёнда талаба китобдан конспектда ёзилган қоидалар, тушунчалар, статистик маълумотларга дуч келади. Уларни ўқиб моҳиятига тушунгач, уларни дафтарнинг тегишли очик жойларига қисқа қилиб ўз сўзлари билан ёзиб қўйиш зарур. Илғор талабалар газеталар, консултасиялар ва мулоқат дарсларида мазкур мавзу бўйича олган билимларини ҳам конспектларининг тегишли жойларига ёзиб борадилар.

Шундай тарзда ёзилган конспект мувоффақиятли ўқишнинг гаровидир. У нафақат талабалик йилларида, шунингдек кейинчалик меҳнат қилиш пайтида ҳам асқотади. Бу талабанинг ўзи яратган муҳим ва зарур билимлар жамланган қўлланмадир.

Семинар машғулотларига тайёрланиш

"Семинар" сўзи лотинча сўз бўлиб "билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш" деган маънони англатади.

Олий ўқув юртида семинар ўқув-назарий машғулотларнинг муҳим шакли бўлиб, талабаларга ўқув режасида назарда тутилган предметларни чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради.

Семинар машғулотининг аҳамияти шундаки, у талабаларда китоб устида мустақил ишлаш, мустақил фикр юритиш кўникмаларини шакллантиради ва ривожлантиради. Президент Ислон Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида: "демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон еркин фикрлайдиган етиб тарбияланади. Агар болалар еркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир".¹ Яхши уюштирилган семинар - талабалар учун мустақил фикрлашни ўргатадиган мактабдир.

Семинар мавзуси, унинг режаси ва ўрганиш зарур бўлган адабиётлар рўйхати кафедралар томонидан ўқув йили бошланмасданок тузилган бўлади ва бу маълумотлар семинар ўтказувчи ўқитувчи томонидан талабаларга ўз вақтида етказилади. Семинар ўтиладиган куни, вақти ва жойи дарс жадвалида кўрсатилган бўлади.

¹ Каримов И. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Халқ сўзи, 1997 йил 30 август сони.

Институтимизнинг биринчи курсида Ўзбекистон тарихи, Иқтисодий назария, Сиёсацхунослик ва ҳ.к. фанлар юзасидан семинар машғулоти ўтказилади.

Семинар машғулоти икки хил усулда ташкил этилиши мумкин. Биринчиси, семинар мавзусида белгиланган муҳим масалалар бўйича қизғин ижодий бахslashувлар бўлади. Иккинчиси, талабалар томонидан тайёрланган мавзуга доир ўқув-илмий ёки илмий маърузалар тингланади ва уни талабалар билан муҳокама қилинади. Ҳар иккала ҳолда ҳам семинар талабалар ўртасида фикр алмашув, муҳокама ва бахslashув шаклида ўтади.

Семинар машғулоти қандай тайёрланиш керак?

Семинарга тайёрланиш талабанинг мустақил ишига асосланади. Мустақил индивидуал ақлий меҳнат ўқишнинг энг самарали шаклидир. Семинар мавзуси бўйича, одатда, олдин маъруза ўқилади. Демак, семинарга тайёргарлик кўриш маърузани ешитиш ва ёзиб олишдан бошланади. Маърузада берилган материални яхши ўзлаштириш, ижодий идрок этиш, конспектлаштириш ва уни қайта ишлаш, тўлдириш семинар машғулоти пухта тайёргарлик кўришнинг зарур шартидир.

Семинарга тайёрланишнинг яна бир шarti шуки, кафедраларда ишлаб чиқилган. Масалан, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси томонидан тайёрланган “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фан ўқув дастури, Бухгалтерия ҳисоби назарияси семинар машғулоти режаси, ҳамда Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанидан семинар машғулоти бўйича методик маслаҳатлар каби ўқув қўлланмаларини институт ахборот ресурс марказидан олиш ва уларга амал қилиш лозим.

Семинарга тайёрланишнинг асосий шarti тавсия этилган манбалар ва китобларни ўқиб ўрганиш ва конспектлаштиришдир. Бу еса маълум вақт ва кунт талаб қиладиган жуда мураккаб фаолиятдир. Бу ишни бир ўтиришда ёки семинар машғулоти билан бир кун олдин бажариб бўлмайди.

Бундан шундай хулосага қилиш мумкинки талаба ҳафта давомида маълум режа асосида мунтазам суръатда шуғулланиб борган тақдирдагина семинар машғулоти пухта ва ўз вақтида тайёр бўлиши мумкин.

Семинарга тайёрланиш биринчи манбалар, китоб устида ишлаш жараёнидир. Аввало, китоб билан умумий тарзда танишиб чиқиб, унинг муаллифи, номи, ҳажми, қачон ва қаерда нашр этилганига етибор бериш лозим. Китобнинг илмий аппарати, яъни манбаларга қилинган иловалар, еслатмалар ва бошқалари билан ҳам танишиб чиқиш зарур.

Тавсия этилган ҳар бир манба ва китобни бошида охиригача бирма-бир кунт билан ўқиб ўрганиш лозим. Агар китоб катта, бир неча қисм ва боблардан иборат бўлса, уни айрим-айрим қисм ва боблар бўйича навбатма-навбат ёки семинар режасида кўрсатилган бетларини кўриш лозим бўлади. Шошилмасдан, бутун ҳаёлни жамлаб, қўлга қалам олган ҳолда, ўқилганини таҳлил қилиб, янги фикр-мулоҳазаларни олдингилари билан ўзаро боғлаган, илгари сурилаган асосий ғоялар ва тушунчаларни ажрата биладиган тарзда ўқиш лозим. Агар китоб шахсан ўзингизники бўлса, ўқилаётганда муҳим жойларини тагига чизиб, четига ўз фикр мулоҳазаларингизни ёки

ўқилганда мустақил баён етиб бериш учун сўзлаш режангизни ёзиб кўйишингиз мумкин.

Манба ёки китобни ўқиб чиққач, унинг устида пухта ўйлаб кўриш лозим, бу материални яна тўлароқ тушуниш ва ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Ўйлаш давомида талабада бир қанча саволлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, ўқилган китобда қандай асосий ғоя ва муҳим тушунчалар илгари сурилаяпти, улар семинар мавзусига қанчалик алоқадор, илгари ўрганилганларга нечоғлик боғлиқ, семинарнинг қайси саволи ҳақида гап бораяпти? Ана шундай саволларга жавоб топаркан талабада шахсий фикр-мулоҳазадар туғилади. Китоб устида ишлаш мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, деган иборанинг маъноси шундадир.

Биринчи манба, тавсия этилган китобларни юқорида айтилган тарзда ўқиб чиққандан кейин китоб устида ишлашнинг сўнгги босқичига - ўқилганни дафтарга ёзиб олишга ўтилади.

Семинар машғулотлари учун алоҳида умумий дафтар тутилади. Бу дафтарга ёзишни асосий шакли конспект олиш бўлиб, ўрганилаётган материалнинг асосий мазмуни қисқача баён қилинади.

Биринчи манба ва китобдан конспект ёзиш кўп вақт ва ақлий куч талаб қиладиган иш, аммо билим асосларини ўрганишда жуда самарали, жуда яхши синалган усулдир. Оғзаки нутқдан кўра қоғозга ёзилган ҳолда баён қилинган фикр раво ва пухта бўлади.

Конспект ёзишнинг яна бир афзаллиги шундаки, ўрганилган, ёзиб олинган материал хотирада яхши сақланиб қолади, уни дарров есга олиш мумкин бўлади. Конспект анча вақт ўтиб кетганидан кейин ҳам, қимматли материал сифатида хизмат қилади, синов ва имтиҳонларга тайёрланишни осонлаштиради. Конспект олиш жараёнида талаба режа тузиш, тезис. ёзиш, ситаталар олиш каби турли хил ёзув шакллари ҳам ўзлаштириб боради.

Конспектни тўғри ва маълум тартибда ёзишга алоҳида еътибор бериш лозим. Конспектни дафтар саҳифасига бир хил, бир ситра ёзиб кетавермасдан, баъзи ҳолларда айрим сўзларни, қисқа тушунчаларни яққол кўришиб турадиган шаклда алоҳида бўрттириб ёки босма шрифтларда ёзиш маъқул. Сарлавҳалар, йиллар, хулосалар, ситаталар тагига рангли қалам билан чизиб, алоҳида ажратиб ёзиш ҳам мумкин.

Дафтар саҳифасининг чет томонидан саҳифанинг тўртдан бир қисмича жойни очик қолдириш лозим. Очик қолдирилган жойга қўшимча маълумотларни ёзиб бориш, конспектни текшириб, унга айрим ўзгаришлар, аниқликлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон тарихи, Иқтисодий назария, Политология ва бошқа фанлар бўйича бўладиган семинар машғулотларига тайёрланишда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг қатор асарларини, Олий Мажлиснинг сессияларида сўзлаган маъруза ва нутқларини конспектлаштиришга тўғри келади. Масалан, "Бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон модели" мавзусида бўладиган семинарда тайёрланишда Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" ва "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатлари

чуқурлаштириш йўлида" асарларининг тегишли бўлимларидан конспект олиш тавсия этилган. Бу асарлари ўқиб ишлаб чиқаришнинг ипидан-игнасигача бўлган жараёнларни бир марказдан туриб режалаштириш, иқтисодиётни тўраларча, маъмурий буйруқбозлик усули билан бошқариш, ресурсларни ноиқтисодий йўл билан тақсимлашга асосланган иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш ҳақидаги назарий-методологик хулосаларни аниқ ўзлаштириб олиш ва конспектлаштириш лозим. Мазкур асарларни ўқиб бозор муносабатларига ўташнинг Ўзбекистон модели, аввало, жаҳон тажрибасидан, шунингдек Ўзбекистоннинг шарт-шароитлари ва имкониятларидан, ўзига хос миллий хусусиятлардан келиб чиққанлигини билиб олиш лозим. Асосий еътиборни бозор иқтисодиётига ўтишнинг Президентимиз Ислам Каримов томонидан назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган беш асосий тамойилларни, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини билиб олиш ва конспектлаштиришга қаратиш зарур.

Газеталар ҳамда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий журналларни ўқиб бориш сиёсий савияни оширишга кўмаклашади. Уларда босилаётган мақолалар, статистик маълумотлардан фойдаланиш, конспект дафтарининг тегишли жойларига ёзиб қўйиш катта натижа беради.

Семинар машғулотида қатнашиш, муҳокама етилаётган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳар бир талабанинг бурчидир. Семинар қатнашчилари бир-бирларини диққат билан тинглашлари, баҳслашувларга киришиб сўзлаган талабалар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатишлари, аниқлик ва қўшимчалар киритишлари лозим.

Семинарда қатнашиш ҳам маърузани тинглаш ва ёзиш каби катта меҳнат қилиш, тинмай ва астойдил ишлаш вақтидир.

Курсдош сўзлаётган пайтда, уни қўлда қалам билан тинглаш, айтган янги фикр мулоҳазаларини ёзиб бориш ниҳоятда фойдалидир.

Маълумки, ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинган масала бўйича, семинар охирида ўрганилган мавзу бўйича якуний фикр-мулоҳазаларни билдиради, якуний хулосалар чиқаради. Талаба ўқитувчининг ана шу якуний фикрларини, хулосаларини семинар дафтарига, албатта, ёзиб олиши керак. Ана шундагина семинар машғулоти талаба учун мувоффақиятли яқунланган, муҳокама этилган масала бўйича билимлар пухта ва чуқур ўзлаштирилган бўлади.

Китоб устида ишлаш

Китоб билимлар манбаидир, инсон томонидан билим, малака ва муайян кўникмалар тизимини эгаллаш калитидир.

Талаба китоб, дарслик, ўқув қўлланмалари устида ишлаш орқали зарур билимларни эгаллайди, ўз дунёқарашини шакллантиради. Олий мактабда китоб устида мустақил ишлаш таълим ва тарбиянинг муҳим шакли ҳисобланади.

Китоб устида ишлаш талабалик йилларидаги фаолиятда асосий, марказий ўринни эгаллайди, бу жиддий масъулиятли ижодий, ақлий меҳнатдир. Китоб устида ишлаш методикасини билиш муваффақият

гаровидир. Китоб устида ишлаш кўп босқичли адабиётларни танлашдан иборат.

Ўқиш лозим бўлган адабиётлар ўрганилаётган предметнинг ўқув дастурида кўрсатилган бўлади ёки ўқитувчи томонидан тавсия етилади.

Керакли китобни кутубхонадан топиш мумкин. Кутубхонада библиография бўлими бор, ана шу библиографиядан фойдаланишни ўрганиб олиш лозим. библиография бўлимида китобларни топишга ёрдам берадиган алфавит ва систематик (тематик) каталоглар бўлади.

Алфавит каталогда кутубхонада мавжуд бўлган ҳар бир китоб ёки мақолага муаллифнинг фамилияси ҳамда китоб ёки мақоланинг номи ёзилган махсус карточка бўлади. Ана шу карточкалар алоҳида қутичаларга алфавит бўйича қатъий бир тартибда жойлаштирилган бўлади. Каталогда китоб ёки мақола муаллиф фамилиясининг бош харфи бўйича жойланади. Китоб ёки мақоланинг муаллифи бўлмаса, уларнинг карточкалари каталогга китоб ёки мақола номини бериши харфи бўйича қўйилади.

Алфавит каталог тузилиши аҳамияти катта, у керакли китоб ёки мақоланинг кутубхонада бор-йўқлигини тезда аниқлашга имкон беради. Бу борада талабага кутубхона ходими кўмаклашиши мумкин.

Систематик каталогда адабиётлар уларда қандай масалалар ҳақида гап юритилаётганига қараб маълум бир системага келтирилган. Систематик каталогда китоблар маълум билимлар соҳаси бўйича, масалан, Ўзбекистон тарихи, Иқтисодий назария, Политология ва ҳоказо жойлаштирилган бўлади. У маълум бир билимлар соҳаси бўйича керакли китобни топишга кўмаклашади. Масалаи, "Жадидлар ҳаракати" деган мавзуга доир адабиётни танлаш зарур бўлади, дейлик. Бу мавзу Ўзбекистон тарихи курсида ўтилади. Систематик каталогда "Ўзбекистон тарихи" бўлими қидириб топилади. Ана шу бўлимда "Жадидлар ҳаракати тўғрисида" деган ёзувли карточка бор, карточка орқасидан "Жадидлар ҳаракати" тўғрисида мавжуд бўлган китоб ва мақолалар карточкаларини топасиз.

Ўқининг дастлабки пайтларида китобни топиб олиш қийинроқ бўлади. Шу сабабли кутубхона ходимларига мурожат қилиб, улардан ёрдам олиш мумкин. Кутубхона ходимлари китобларни алфавит ёки систематик каталогдан қандай топиш лозимлиги ҳақида маслаҳатлар ҳам беради.

Кутубхонада газета ва журналларда босилган мақолаларнинг картотекаси ҳам бўлади. Бу картотека ҳам систематик каталог сингари маълум масалалар ёки муаммолар бўйича тузилади.

Институт кутубхонасида каталогларга қўшимча равишда маълум масалалар, мавзулар ҳамда ўрганилаётган фанлар бўйича тавсия етиладиган адабиётлар рўйхати ҳам бўлади. Уларда китоб мазмуни ҳақида аннотасия, муаллифи ҳамда китобда ёритилган масалалар тўғрисида қисқача маълумот берилади.

Китоб танланиб, топиб олинган китоб устида ишлашнинг иккинчи босқичи бошланади, яъни китоб билан бир сидра умумий тарзда танишиб чиқилади.

Китоб билан умумий тарзда таиишиш жараёнида унинг номи, муаллифи. уни нашр етган нашриёт, чоп этилган йили кабиларга еътибор берилади. Сўнгра китобнинг сўз бошини ўқиб, ундан ушбу китоб кимларга мўлжаллангани, қандай материалларга асосланиб ёзилгани ва бошқалар аниқланади.

Талаба китобнинг мундарижаси билан танишиб боблар, қисмлар, парагрфларнинг номларига еътибор беради ва ўрганиши лозим бўлган мавзуга алоқадорлик даражасини ҳисобга олади. Китобнинг хотима қисми билан ҳам танишиб чиқади. Шу тариқа талаба китоб тўғрисида умумий бир фикрга келади.

Енди китоб устида ишлашнинг навбатдаги - учинчи босқичига ўтилади, яъни китобни бошидан ўқишга, мутолаа қилишга киришади. Китобни биринчи ўқиш жараёнида талаба унинг мазмуни ҳамда баён тартиби билан танишиб олади, аммо биринчи ўқишда китобнинг тўла маъно мағзи чақилмаслиги мумкин, китобдаги асосий ҳолатларнинг ҳаммаси хотирада қолмайди.

Китобни чинакамига ўрганиш ва ундаги асосий ҳолатларни чуқур англаб-тушуниб олиш учун уни такрор-такрор ўқишга тўғри келади. Китобни ўқиш жараёнида янги сўзлар, терминлар, илмий тушунчалар учраса, уларни аниқлаб олиш зарур. Бу борада Сизга турли луғатлар ("Чет тиллар сўзлари луғати", "Рус тили луғати", "Иқтисодий терминлар луғати", "Енсиклопедиялар") ёрдам беради, Бундай луғатларни институт кутубхоиасидан топиш мумкин.

Китобни фаол, диққат билан ўқилгандагина пухта билим олиш мумкинлигини, юзаки, еътиборсиз ўқиш билан билим ўрганиб бўлмаслигини ҳам есда сақлаш керак.

Китобда ўзлаштириш қийинроқ материал учраб қолса, ўша жойни қайта-қайта тушуниб олгунча ўқиш лозим. Китоб мазмунини тушуниб олгач, ўз тушунчаларингиз тўғрисида ўйлаб кўринг, хотирангизга киритинг. Китобда схемалар, диаграммалар, жадваллар, хариталар бўлса уларни диққат билан ўрганинг, таҳлил қилинг, улар китоб мазмунини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Нихоят, китоб устида ишлашнинг тўртинчи босқичи, ўқиган китобни конспектлаштиришдир. Шунини ўқиб олинганки, ўрганилаётган материални конспект қилиш билангина чуқур билим олиш, уни есда сақлаб қолиш мумкин. Ёзув инсондаги яна янги ҳиссиёт органларини сафарбар етади. Ёзув ўқилган материални фикран таҳлил қилишга ўргатади, вақти-вақти билан конспектга қараб китоб мазмунини есга тушуриш мумкин.

Конспектлаштиришда режа тузишнииг аҳамияти катта. Китоб мундарижаси конспект режаси учун асос бўлиши мумкин. Режа китобни кунт билан ўқишга, барча масалаларни пухта тушуниб олишга, китобнинг муҳим жойларини топиш, ёзиш ва еслаб қолишга ёрдам беради.

Китобда бошқа сўзлар билан тўла ифодалаб бўлмайдиган даражада ёрқин ва маъноли фикрлар ҳам учраб туради. Буларни китобдан кўчириб ёзиш лозим бўлади. Шунингдек назарий тушунчалар, тарих воқеаларининг

таърифлари, таърифлар ҳам сўзма-сўз кўчириб олинади. Улардан курс ва битирув малакавий ишларида, маърузаларда, мақолаларда фойдаланиш мумкин. Бундай кўчирма ёзувлар ситаталар дейилади. Катта ситатани кўчириб олаётганда баъзи сўзларни, ҳатто бутун бир жумлаларни ташлаб кетиш мумкин, уларнинг ўрнига нуқталар қўйилади. Бундай ҳолларда муаллиф фикрини бузмаслик зарур. Ситаталар (бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари) қўштирноқ ичига олинади, охирида шу ситата олинган манба ёки китоб ва унинг нечанчи бетда эканлиги ёзиб қўйилади, Масалан, ситата қуйидагича ёзилади: "Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларида биринчи йилнинг ўзидақ пахтани ҳосилдорлиги 6.4 сентнерга, доннинг ҳосилдорлиги 5.3 сентнерга ошди"² (О.Олимжонов ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент, "Университет" 2005 йил, 8-бет.).

Конспект асар мазмунини енг муҳим фактлар, номлар, рақамлар, исмларни келтирилган ҳолда қисқача баён қилинишидир. Конспект ёзганда китобдан бир сидра кўчириб ёзмасдан, ўз тушунчаларингизни ўз сўзларингиз билан ифодалаб ёзишга ўрганинг.

Конспект олишнинг янада қисқароқ шакли ҳам бор, у **тезислар** дейилади. Тезислар ёзиш ҳам китоб устида ишлаш маҳсулидир. Тезислар ўрганилаётган материалнинг асосий ҳолатлариини қисқача ва лўнда ифодалашга имкон беради.

Тезислар оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий тезис исбот-далилсиз битилган ёзув бўлиб, фақат биттагина ҳолат ифодаланиши мумкин. Жумладан, "Ўзбекистон келажаги буюк давлат".

Мураккаб ёки кенгроқ тезислар қисқача таърифланган асосий ҳолатларни кенгроқ талқин қилиб беради.

Тезислар мавзу яхши ўзлаштирилган ёки материал муфассал конспект талаб қилинмайдиган ҳолларда тузилади.

Ўқиш жараёнида турли фанлар бўйича, турли мавзуларда **реферат** ёзишга тўғри келади. "Реферат" сўзи лотинча "реферре" сўзидан олинган бўлиб, маъруза қилмоқ, ахборот бермоқ, деган маънони англатади. Реферат тайёрлаш китоб устида ишлашнинг қизиқарли шаклидир.

Реферат ёзиш китобни конспектлаштиришга нисбатан кўп вақт ва меҳнатни талаб қилади. Негаки материални янада пухтароқ таҳлил қилиш ва чуқурроқ ўйлаш, ўқилган материалга ва фикр-мулоҳазаларга танқидий кўз билан қараш, умумлаштириш ва хулосалар чиқариш зарур бўлади. Реферат аниқ мавзуларда ёзилса яхши натижа беради.

Реферат семинар машғулотларида, назарий-амалий конференцияларда танланади ва муҳокама қилинади ва баҳоланади.

Мана Сиз китоб устида ишлаш методикаси ҳақида тушунча олдингиз. Енди уларга асосланиб китоб устидаги ишингизни такомиллаштириб боринг.

Талаба билимини рейтинг усулида баҳолаш

² О.Олимжонов ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент, "Университет" 2005 йил, 8-бет.

Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) талабаларда Давлат таълим **стандартларига** мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: давлат таълим **стандартларига** асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ё) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари кафедра мудири тавсияси билан институтнинг (факултет) ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралик назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

оралиқ назорат – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг сони ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан (аудитория ва мустақил таълим) келиб чиққан ҳолда кафедра томонидан белгиланади;

якуний назорат – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ўзмаиш”, оғзаки, тест ва ҳоказо шаклида ўтказилади.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

Институт раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда якуний назорат қайта ўтказилади.

Ўқув йили тугаганидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

-якуний назоратга – 15 балл;

-жорий ва оралиқ назоратларга – 85 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 85 балл ўқув режадаги соатларнинг пропорционаллигини таъминлаш мақсадида жорий назоратга - 40 балл, оралиқ назоратга- 45 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

Мустақил таълим мавзуларини ўзлаштириш жорий ва оралиқ назоратларга қушилган ҳолда баҳоланади. Оралиқ назоратлар фанларга ўқув режаларда ажратилган соатлар ҳажмидан ва хусусиятларидан келиб чиқиб ҳар 18-22 соатга битта оралиқ назорат ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси – 100 баллик тизимда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар тавсия этилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;

- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) 56-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-55 балл билан баҳоланиши мумкин:

- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- билмаслик.
- Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$P_{\phi} = \frac{V \cdot O'}{100}$$

бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);

O' –фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Курс ишини рейтингга айлантиришда ўқув юкламаси 30 соат, курс лойиҳаси учун 50 соат, БМИ ва МДлар учун 100 соат белгиланади.

Фан бўйича **жорий, оралик ва якуний** назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балнинг **55 фоизи саралаш балл** этиб белгиланади.

Жорий ва оралик назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг саралаш бали 55 фоиздан ортиқ балл тўплаган барча талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

Агар талаба **якуний назорат**да шу назорат тури бўйича саралаш балидан юқори балл тўпласа, бу балл жорий ва оралик назоратларда тўпланган балларга қўшилади. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали **ҳар бир назорат туридан** белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

Жорий ва оралик назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралик назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Белгиланган муддатларда топширилмаган жорий ва оралик назорат баллари кейинги баҳолаш балларига қўшилмайди ва қайта топширишга рухсат берилмайди.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факултет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида фан бўйича жорий, оралиқ ёки якуний назорат турларини **ҳар бири** бўйича саралаш баллидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун 2 ҳафта муҳлат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба, факултет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факултет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факултет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факултет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномаси ва рейтинг дафтарчасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Талабанинг саралаш баллидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ ва профессор-ўқитувчи журналлари ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар этиборига етказилади.

«Мутахассисликка кириш» курсидан баҳолаш мезони

Амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларини тўла сифатли бажарган талабага 1,7-2 балл берилади, агар тўла бўлмаса бажариш даражасига қараб 1-1,6 баллгача берилади.

Амалий ва лаборатория ишлари бўйича берилган талабалар мустақил ишларининг бажарилиши ҳажми ва сифатига қараб 1 дан 2 баллгача берилиши мумкин (топшириқлар тўлиқ ва сифатли, ижодий тарзда бажарилган - 1,8-2 балл, сифатли ва меъёр талаблари даражасида - 1,5-1,7 балл, ўрта даражада -1,1-1,4 балл).

Оралиқ баҳолаш ёзма тарзда ўтказалиб, ундан 3 та саволга жавоб бериши сўралади. Ҳар бир савол 7,5 баллгача баҳоланади.

- агар савол моҳияти тўла очилган бўлса, жавоблари тўлиқ ва аниқ ҳамда ижодий фикрлари бўлса- 6,4-7,5 балл (аъло);

-саволнинг моҳияти умумий очилган асосий фактлар тўғри баён этилган бўлса- 5,3 – 6,3 балл (ўрта);

-саволга умумий тарзда жавоб берилган, аммо камчиликлари бўлса 4,1-5,2 балл (қониқарли);

-саволга жавоб беришга ҳаракат қилинган, аммо чалкашликлар ва камчиликлар бўлса 0-4,0 балл берилади (қониқарсиз).

Талабанинг мустақил ишида берилган мавзу бўйича реферат тайёрланади:

-рефератда мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлари бўлса- 6,4-7,5 балл

-мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор – 5,3-6,3 балл

-мавзу моҳияти ёритилган, аммо камчилиги бўлса 4,1-5,2 балл берилади.

-саволга жавоб беришга ҳаракат қилинган, аммо чалкашликлар ва камчиликлар бўлса 0-4,0 балл берилади (қониқарсиз).

3.1. Якуний баҳолашда талаба 3 та саволга ёзма ёки 30 та тест саволига жавоб бериши лозим.

-ҳар бир ёзма саволга 5 балл ажратилади.

-агар савол моҳият тўла очилган бўлиб, мавзу бўйича талабанинг танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса – 4,2-5,0 балл;

-саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фактлар тўғри баён қилган бўлса 3,5-4,1 балл;

-берилган саволда жавоблар умумий ва камчиликлар кўпроқ бўлса 0-3,4 балл берилади

-тест саволининг ҳар бири 0,5 баллик тизимида баҳоланади.

ЎҚУВ РЕЖАСИ

Т/р	Ўқув фанлари, интеграллаш-ган курслар ва блокларининг номлари	Талабанинг ўқув юклармаси (соатларда)									Соатларнинг курс, семестр ва хафталар бўйича тақсимооти							
		Умумий юкларнинг ҳажми		Аудитория машғулоти (соатларда)							Мустақил таълим	1-курс	2-курс	3-курс	4-курс			
				Жами	Маъруза	Амалий	Лаборатория	Семинар	Курс лойиҳаси (иши)	Курслардаги ҳафталар сони								
		соат	%							Семестрлар								
													42	42	42	42		
													1	2	3	4	5	6
											Семестрдаги аудитория машғулоти хафталарининг сони							
											21	21	21	21	21	10	21	0
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иқти- содий фанлар	1704	23,2	968	282	384		302	1 КИ	736	11	10	9	6	3	4	6	
1.01	Ўзбекистон тарихи	116		66	32			34		50	3							
1.02	Хуқуқшунослик, Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси	116		66	32			34		50		3						
1.03	Фалсафа (этика, эстетика, мантиқ)	148		84	34			50		64			2	2				
1.04	Манавият асос- лари. Диншунослик	92		52	34			18		40			3					

1.05	Маданиятшунос-лик	56		32	16			16		24				2			
1.06	Иқтисодиёт назарияси	116		66	32			34	К	50	2	2					
1.07	Социология	56		32	16			16		24				2			
1.08	Педагогика. Психология	120		68	34			34		52					3		
1.09	Миллий ғоя асосий тушунча ва тамойиллар	60		34	16			18		26						2	
1.10	Сиёсатшунослик. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти	112		64	28			36		48						3	
1.11	Ўзбек (рус) тили	116		66		66				50	2	1					
1.12	Чет тили	324		184		184				140	2	2	2	1	1	1	
1.13	Жисмоний тарбия ва спорт	236		134		134				102	2	2	2	1			
1.14	Танлов фанлари	36		20	8			12		16						1	
2.00	Математик ва табиий-илмий фанлар	1176	16	588	294	252	42			588	12	8	4	4			
	Математик коммуникатив курси	1008		504	252	210	42			504	8	8	4	4			
2.01	Олий математика	336		168	84	84				168	4	4					

2.02	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика	168		84	42	42			84			4					
2.03	Математик программалаштириш	168		84	42	42			84				4				
2.04	Информатика ва ахборот технологиялар	336		168	84	42	42		168	4	4						
	Табиий илмий курс	168		84	42	42			84	4							
2.05	Иқтисодий география ва экология	168		84	42	42			84	4							
3.00	Умум-қасбий фанлар	2602	35,4	1174	582	592			1428	2		15	11	12	4	14	
	Иқтисодий фанлар курси	740		336	166	170			404	2		4	4	2		4	
3.01	Иқтисодий таълимотлар тарихи	94		42	20	22			52	2							
3.02	Микроиқтисодиёт	186		84	42	42			102				4	2			
3.03	Макроиқтисодиёт	88		42	20	22			46								
3.04	Менежмент ва маркетинг асослари	186		84	42	42			102			4					

3.05	Миллий ва жаҳон иқтисодиёти	186		84	42	42				102							4	
	Ҳисоб ва таҳлил курси	838		378	188	190				460		7	3	8				
3.05	Бухгалтерия ҳисоби назарияси	186		84	42	42				102		4						
3.06	Бошқарув ҳисоби	186		84	42	42				102				4				
3.07	Иқтисодий таҳлил назарияси	186		84	42	42				102				4				
3.08	Статистика	280		126	62	64				154		3	3					
	Молия ва кредит курси	1024		460	228	232				564		4	4	2	4	10		
3.09	Молия	186		84	42	42				102		4						
3.10	Пул, кредит ва банклар	186		82	40	42				104				2	4			
3.11	Солиқ ва солиққа тортиш	186		84	42	42				102							4	
3.12	Суғурта иши	94		42	20	22				52							2	
3.13	Молия бозори ва қимматли қоғозлар	186		84	42	42				102							4	
3.14	Инвестисияларни ташкил етиш ва молиялаштириш	186		84	42	42				102			4					
4.00	Ихтисослик фанлари	740	10	374	186	188			3	366			4	2	8	8		
4.01	Молиявий ҳисоб	248		126	62	64			К	122			4	2				
4.03	Аудит	246		124	62	62			К	122					4	4		

4.04	Молиявий ва бошқарув таҳлили	246		124	62	62			К	122						4	4	
5.00	Қўшимча фанлар	450	6,2	248	124	124				202					8	8		
5.01	Ҳарбий тайёргарлик	450		248	124	124				202					8	8		
6.00	Танлов фанлари	672	9,2	456	228	228				216	3	10		3	3	4		
	ЖАМИ:	7344	100	3808	1696	1768	42	302	4 КИ	3536	28	28	28	28	2 8	28	28	
	Малакавий амалиёт	1188																
	Битирув малакавий иши	432																
	Давлат аттестасия-си	108																
	Жами	1728																
	Ҳам-маси	9072																

Изоҳ:

1. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанлари рўйхатини тузишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини еътиборга олади
2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари кўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин еса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда кўшимча фанлар блокининг соатлари меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун Илмий Кенгаш қарори билан фойдаланилади.
3. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
4. Ўқув фанлари ҳажмининг камида 20 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши шарт.
5. Талаба билимини баҳолаш рейтинг тизимига мувофиқ ўқув жараёни давомида амалга оширилади (ЖБ – жорий баҳолаш, ОБ – оралик баҳолаш, ЯБ – якуний баҳолаш).
6. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиниши ҳам киритилади.

Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари	Ҳафталар сони	Семестр	Давлат аттестасияси
Назарий ва амалий таълим	136	1-8	1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлардан
Малакавий амалиёт	22	6, 8	2. Хорижий тил
Давлат аттестасияси	2	8	3. Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш
Битирув малакавий иши	8	8	
Таътилар	36	1-8	
Жами	204		

ТАЪЛИМ ОЛИШ ОМИЛИ

1. Дарсда ўтиладиган мавзунинг пухта ўзлаштириш учун энг биринчи шарт талабанинг интизомидир, унинг дарсга лаёқати, ўқитувчига эътиқоди асосий омилдир. Бунинг учун:

- дарсни қолдирмаслик:
- дарсга кеч қолмаслик:

- дарсга олдинроқ келиб, аудиторияда, ўз ўрнини эгаллаб, дарсга керакли жиҳозларни тайёрлаб, ўтган мавзуни кўздан кечириб, бўлажак машғулотларга талаба тайёр бўлади.

2. Гуруҳ сардорлари навбатчини тайинлаб, доска тозалигини, бўр ва латта мавжудлигини текширса, дарснинг унумли ўтишига ҳисса қўшган бўлади.

Дарсга қатнашганда албатта ўқув қуролларини ҳар бир талаба ўзи билан келтирмоғи зарур (яъни: маъруза дарсида конспект дафтари, ручка-қалам, махсус дарсларда эса чизғич, ўчирғич, чизмачилик асбоблари ва бошқа талаб қилинадиган асбоблар).

Дарсда фикрни йиғиб ўтирмоқ керак. Ўтилаётган мавзуни чуқурок тушуниб олишга ҳаракат қилмоқ зарур. Одатда дарсда 30 фоиз билимлар ўзлаштирилади. Аммо инсоннинг қобилияти, имконияти кенг. Агар талаба ўзини дарсга тайёрлаб, бутун вужудини йиғиб тингласа, ўзлаштиришини 70-80 фоизгача етказиши мумкин.

Дарсда тушунмаган саволларни тўплаб, дарс охирида ёки дарсдан ташқари соатларда ўтиладиган қўшимча дарсда ёки маслаҳат ва индивидуал дарс соатларида ўз ўқитувчингиздан аниқлаб олишга ҳаракат қилинг.

Уйга берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришнинг кўп афзалликлари бор: ўтилган мавзуларни такрорлаб туриш ва берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилинг, натижада фанни ўзлаштириш анча ўсади.

Ҳар бир кафедрада қўшимча дарс жадвали мавжуд. Ана шу дарсларда қатнашиб, тушунарли бўлмаган, ёки еча олмаган масалалардан маслаҳат олишингиз мумкин ва шу билан ўтилган мавзулардан тайёргарликни тўлиқ даражага кўтариши мумкин.

Юқори курсларда маълум фанлардан курс ишлари бажарилади. Бу кўп вақт ва меҳнат талаб қилинадиган жараёндир, шунинг учун бу ишларни бажаришда кафедра тузган режага риоя қилиб ишланса, бошқа дарсларга халақит бермайди, акс холда, жуда чўзиб юборилса, семестр охирида тўпланиб қолса, қабул қиладиган ўқитувчининг ҳам вақти етмай қолади ва бошқа фанларнинг ўзлаштиришга ҳам зарари тегади.

Назарий дарсларда ўтиладиган мавзулар амалий ва лаборатория ишларида мустаҳкамланади. Шунинг учун бу дарсларда тегишли фанга доир дарсликлар, маърузалар конспекти, бажариладиган лаборатория ишларининг ёзилган қисқача мазмуни, лаборатория ишлари учун қўлланма, масала ва машқлар тўплами ёки услубий қўлланмаси ҳар бир талабада бўлиши шарт.

Лаборатория ишларида айна мавзуни назарий қисми топширилади ва бажарилган лаборатория ишларидан ҳисобот тайёрланади. Бу ишларга балл (баҳо) кўйилади.

Амалиёт дарсида айна мавзуга доир масала ва машқлар бажарилади ва олинган маълумотларни мустаҳкамлаш мақсадида уйда мустақил бажариш учун масала ва машқлардан топшириқлар бажарилади. Лаборатория ва амалий дарслар талабаларни мустақил ишлашга ўргатади ва фанни ўзлаштиришнинг асосий негизини ташкил этади. Шунинг учун бунга алоҳида эътибор бериш шарт.

Ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш учун кўшимча адабиётлардан фойдаланиш, лаборатория ва амалий дарсда фаол қатнашиш, дарсда мўлжалланган барча топшириқларни бажариш шарт. Гуруҳдошлар билан мавзуларни муҳокама қилиш, вазифаларни бирга тайёрлаш, кўргазмали материал ва ўқиғишнинг техник воситаларини тайёрлаш, илмий-текшириш ишларида қатнашиш алоҳида самара бахш этади. Шу режаларни амалга ошириш учун кун тартибига риоя қилиш керак. Шундагина сиздан малакали, етук мутахассис кадр чиқади.

Талабалар томонидан қолдирилган дарсларни ўзлаштириш тартиби

Ўқитувчи дарсга кирганда талабаларни йўқлама қилади ва дарсга келмаган талабаларни журналга белгилаб қўяди. Ўқитувчи кейинги дарсга келганда аввалги дарсга келмаган талабаларни огоҳлантиради ва олий ўқув юрти белгиланган тартибда қолдирилган дарсни ўзлаштириш (отработка қилиш)ни маслаҳат беради ва кафедрада ўзи бўладиган кунларнинг жадвалини айтади.

Кафедра ўқитувчилари дарсдан чиқгач кафедрада жорий этилган махсус журналга дарсга қатнашмаган талабаларнинг фамилияси ва исми-шарифи, гуруҳи, фаннинг номи, дарс шакли ва мавзусини қайд қилиб қўйиши шарт.

Ўқитувчи бўлмаган тақдирда, талаба қолдирган дарсни белгиланган муддатда кафедра мудирининг кўрсатмаси билан кафедрадаги навбатчи ўқитувчига топшириши мумкин.

Талабалар қолдирган дарсларини ўзлаштириш масалалари бўйича деканатлар қошида комиссия тузилиб, унинг таркибига кафедра мудирлари киритилади. Комиссия талабаларнинг қолдирган дарсларини ўзлаштиришни мунтазам назорат қилиб боради ва камида ойда 1 маротаба йиғилиб, мажлис ўтказади. Мажлислар баённома шаклида расмийлаштириб борилади.

Уч мартагача дарсга қатмашган талабаларни қолдирган дарсини топшириш масаласини кафедра мудирини ҳал қилади; уч мартадан ортиқ дарс қолдирган талабалар масаласини комиссия ҳал қилади.

Семестр давомида ҳамма фанлардан узрсиз сабаб билан дарсларнинг 30 соатидан кўпига қатнашмаган талабалар комиссия тавсияси асосида ректорнинг буйруғи билан олий ўқув юртидан четлаштирилади.

Талабалар томонидан қолдирилган дарс (шаклидан қатий назар) ёзма равишда топширилади; топширилган иш кафедра журналида рўйхатга олинади ва ўқув йили охиригача кафедрада сақланади; рўйхат номери талабанинг ўқитувчига топширилган дафтарида ҳам қайд этилади.

Дарсларни қолдирган талабалар доимо гуруҳ мураббийсининг диққат этиборида бўлиши лозим.

Олий ўқув юрти Йўриқнома асосида талабалар томонидан қолдирилган дарсларни ўзлаштириш тартибини ишлаб чиқади, уни илмий кенгашда тасдиқлаб, ўқув жараёнига тадбиқ этади.

Узрли сабабларга кўра машғулотларга келаолмай қолган талаба кечи билан эртаси куни шу тўғрисида факултет деканини хабардор қилиб қўйиши ва институтга келган куниёқ машғулотга келолмаганлигининг сабаби кўрсатилган хужжатни топшириши лозим. Касал бўлиб қолган тақдирда факултет деканига тегишли даволаш муассасасининг белгиланган намунадаги маълумотномасини топширади.

Аудиторияга ўқитувчи кириб келганида талабалар ўринларидан туришлари шарт.

Талабалар интизомли бўлишлари ва институтда ҳам, кўча-кўйда ҳам жамоат жойларида ҳам ҳамиша яхши, озода, кастюм-шимда кийинган, галстук таққан бўлишлари керак.

Мустақил иш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг 2009 йил I ярим йиллиги якунлари бўйича 2009 йил 4 июль мажлиси Баёнининг 25-банди топшириғи, вазирликнинг 2009 йил 9 июль № 241/1-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар мажмуининг 1.4-банди ижросини таъминлаш, 2008/2009 ўқув йилида мустақил таълим-тарбия жадвали асосида ташкил қилинган махсус тарбиявий курсларни ўқитиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари таҳлили асосида 2009/2010 ўқув йилидан бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларини такомиллаштириш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14-августдаги 286-рақамли “Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институт томонидан махсус йўриқнома ишлаб чиқарилган. Ушбу йўриқномага биноан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида чуқур назарий ва амалий билимларга эга бўлиш билан бир қаторда танлаган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндошган ҳолда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, таҳлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулотлари пайтида талабаларга етказиш қийин.

Тажрибалар шунини кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга

ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш институтнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талаба мустақил иши (ТМИ) - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Ўқишнинг бошланғич босқичларида ТМИни ташкил этиш бир қатор муаммолар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларини таълимнинг навбатдаги тури - олий таълим талабларига кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди.

Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил ишга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштириб боради.

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим:

- ўқиш босқичи;

- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;

- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);

- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;

- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак бўлади.

ТМИни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- курс ишлари (лойиҳалари)ни бажариш;
- битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар тўплаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларини бажариш;
- макет, модел ва бадий асарлар устида ишлаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезис ва маърузалар тайёрлаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш;
- уй вазифаларини бажариш ва бошқалар;

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади. Топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотларида олган билимларини мустақамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

Мавзуни мустақил ўзлаштириш. Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиқ беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадилар, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади.

Реферат тайёрлаш. Талабага қийинчилик даражаси унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Бунда талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан, монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона

материаллари кабилардан фойдаланиб материаллар йиғади, тахлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади.

Яқунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзунини баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, хариталар, макетлар, моделлар, графиклар, намуналар, мусикий асар, кичик бадиий асар ва ҳ.к.) тайёрлаш топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин.

Талаба кўргазмали материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада ҳимоя қилади.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш. Талабага муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали жиҳатларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади. Консультация пайтларида бажарилган ишларнинг қўйилган вазифа ва талабларга жавоб бериш даражаси назорат қилинади (қайта ишлаб келиш, аниқлаштириш ёки тўлдириш таклиф этилиши мумкин).

Тест, савол ва топшириқлар мажмуаси кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Талабага бирон бир мавзу бўйича (мавзунини талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин) илмий (рефератив) ҳарактерда мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материалларни тўплайди, тахлил қилади, зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.

Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

Амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш. Бир мавзу ёки бўлим бўйича ностандарт, алоҳида ёндашиш талаб қилинадиган, назарий аҳамиятга эга бўлган амалий топшириқлар, ижодий ёндашиш талаб қилинадиган илмий-ижодий вазифалар, моделлар, макетлар, намуналар яратиш вазифаси топширилиши мумкин. Амалий топшириқлар

масалани ҳал қилишнинг оптимал вариантларини излашга ва топишга қаратилган бўлиши керак.

Талабанинг қизиқиш ва қобилиятига қараб, унга илмий ҳарактердаги топшириқлар бериш, ўқитувчи билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп эттириш мумкин.

Талабалар мустақил ишини самарали ташкил этишда:

тизимли ёндошиш;

барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;

бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Мустақил иш топшириқлари муваффақиятли якунланиши учун кўйидаги талаблар бажарилиши лозим:

мақсад (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва х.к.), аниқ асосланиши; вазифа ва топшириқларнинг аниқ-равшан белгиланиши;

топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан талабаларнинг етарли даражада хабардор бўлиши;

маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, муаммоли топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, айрим муаммоли жиҳатларни биргаликда ҳал қилиш ва х.к.);

ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш;

назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий семинар, лаборатория машғулотлари, консультация учун ёки назорат учун махсус ажратилган вақт; маъруза ё реферат матни, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, уй вазифаси дафтари, курс ишлари, тест, мақола, ностандарт топшириқлар, саволлар, мақола, кўргазмали жихозлар ва ижодий ишлар; савол-жавоб, бажарилган иш мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва х.к.).

Талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиши мумкин:

- *аудиторияда амалга ошириладиган ТМИлари.* Ўтилган мавзунини қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

- *аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган ТМИлари.* Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот ҳарактеридаги ишлар ва х.к.

Биринчи тур ишлари талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва х.к. усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назорат) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг дарс пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган топшириқларни бажаришдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи тур ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, тахлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгаланган консультация соатларида амалга оширилади.

Талабалар мустақил ишини баҳолаш. ТМИ натижалари амалдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом"га асосан баҳолаб борилади.

Талабалар мустақил иши бўйича консультациялар ташкил этиш тартиби:

Талабалар мустақил иши (ТМИ) бўйича консультация дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва уни бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ташкил қилинади.

ТМИ бўйича консультация дарси фаннинг календар-тематик режасига мувофиқ ўтказилади.

Консультация дарси тегишли фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

Фан ўқитувчиси консультация дарсида қуйидаги ишларни амалга оширади:

ТМИ топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради; топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади; тегишли адабиётлар ва ахборот манбаларини тавсия қиладди; ТМИ юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот, реферат, ҳисоб-китоб ва топшириқ натижаларини қабул қиладди ҳамда баҳолайди.

ТМИ бўйича консультациялар ўқув жараёнининг 1 ёки 2 сменада ташкил этилишига қараб талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида дарс жадвалига киритилади. Масалан:

Ҳафта кунлари	Жуфт-лик	Фан номи	Аудитория	Машғулот тури	Уқитувчининг Ф.И.Ш.
Душанба	1	Бухгалтерия ҳисоби	120	Маъруза	доц.А.И.Алиқулов
	2	Корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили	124	Маъруза	доц. Т.Қудратов
	3	Пул муомаласи, кредит ва банклар	120	амалий машғулот	кат.ўқитувчи У.Умиров
	4	Мустақил иш (Мутахассислик ка кириш)	120	йўл-йўриқ	асс.Ғ.Санаев

ТМИ бўйича консультация дарслари ўқитувчи журналида қайд этиб борилади.

Ишчи дастур бажарилишининг календар тематик режаси *

"Тасдиқлайман

"

_____ Кафедра мудири
28. 08. 2009

"Мутахассисликка кириш" фанидан ишчи дастур бажарилишининг календар тематик режаси

Т/р	Модул ва мавзу номлари	Машғулот тури	Ажрати л-ган вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмуни	Муст ақил иш	Бажарилиши ҳақида маълумот		Ўқитув-чи имзоси
						Соат	Ой ва кун	
1	Ўзбекистон Республикасида Олий таълим	Маъруза	4	1.Талаба қандай бўлмоғи лозим?! 2.Олий таълим ҳақида Низом.	Реферат			
2	Самарқанд қишлоқ хўжалик институти	Маъруза	4	1. Институт тарихи. 2.Институтнинг ташкилий тузилиши. 3.Факултетлар.	Реферат			
3	Олий мактабда ўқитишнинг асосий шакллари	Амалий машғулот	2	Олий мактабда ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари ва масъулияти. 2. Маърузани тинглаш ва ёзиб олиш. 3. Семинар машғулотларига тайёрланиш. 4. Китоб устида ишлаш	Ёзма уй иши			

4	Олий матабдаги ўқиш жараёнини ташки этишнинг илмий асослари	Амалий машғулот	2	1.Талаба билимини рейтинг усулида баҳолаш 2. Ўқув режаси	Ёзма уй иши			
5	Мустақил иш ва талабалар меҳнатини илмий ташкил этиш	Амалий машғулот	2	1. Талабалар томонидан қолдирилган дарсларни ўзлаштириш тартиби 2.Мустақил иш 3. Ишчи дастур бажарилишининг календар тематик режаси	Ёзма уй иши			
6	Талабаларни илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш	Амалий машғулот	2	1. Иқтидорли ёшлар билан илмий ишлар олиб бориш 2. Битирув малакавий иш	Ёзма уй иши			
7	Талабаларни ғоявий тарбиялаш	Амалий машғулот	2	1. Талабанинг маънавий қиёфаси 2. Иинститутнинг талабаларга тегишли тартиб-қоидалари 3. Бухгалтерия ҳисоби мутахассислигининг қисқача тарихи	Ёзма уй иши			
21	Жами: Жумладан: маъруза амалий машғулот лаборатория иши мустақил иш		54 18 18 -- 18					

*Изоҳ: ТМИ ҳажмидан келиб чиқиб ўқув жадвалига ҳафтасига бир марта куннинг иккинчи ярмига консультация дарси қўйилади (ТМИ 18 соат /9 ҳафта = 2 с.)

Иқтидорли ёшлар билан илмий ишлар олиб бориш

Талаба илмий иш билан шуғулланиши учун бирон бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин) илмий (рефератив) характерда мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материалларни тўплайди, таҳлил қилади, зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди. Одатда илмий ишлар билан ҳар бир талаба шуғилланади. Бундан ташқари талаба келгусида чуқур илмий иш билан шуғилланиш қобилиятига эга бўлса бундай талабалар билан алоҳида ишлар олиб борилади, бундай талабаларни иқтидорли ёшлар деймиз.

Иқтидорли ёшлар – Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини ҳамда унинг жаҳон ҳамжимиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи муҳим омил ва миллат зийнати ҳисобланади.

Иқтидорли талабалар махсус психологик, педагогик тест ўтказиш орқали аниқланади. Улар мақсадга интилиш, қатъият ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари ҳамда ижодий фаолият билан шуғилланиш истаги билан ажралиб турадилар.

Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва мақсадли тайёрлашнинг асосий мақсади республиканинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи интеллектуал элитани тайёрлаш ва бу борада юксак истедод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истедодни рўёпга чиқариш учун имкониятлар яратишдир.

Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш вазифалари:

- ✚ Иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳияти чуқур билим олишга ва қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш
- ✚ Малакали профессор-ўқитувчиларни иқтидорли талабалар билан индивидуал ишлашга жалб этиш
- ✚ Илм-фан тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишларига иқтидорли талабаларни кенг жалб этиш
- ✚ Иқтидорли талабалар бўйича республика банки ва мониторингини шакллантириш
- ✚ Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологияларни ишлаб чиқиш
- ✚ Бюртмачилар талабларини қондирувчи малакали, ҳар томонлама комил топган кадрларни тайёрлаш

Олий ўқув юртларида иқтидорли талабаларни излаш ўқишнинг дастлабки кунларидан ва касбга йўналтириш ишларини олиб бориш жараёнида амалга оширилади.

Иқтидорли талабалар , бошланғич билимларни ҳисобга олган ҳолда, психологик ва педагогик тестлар ўтказиш орқали қобилиятнинг ривожланганлик даражасига қараб аниқланади.

Аниқланган иқтидорли талабани мақсадли тайёрлаш қуйидаги ўқув-ижодий, тарбиявий масалалар ва йўналишлардан иборат:

- ✚ Кенгшайтирилган ўқуа режаси бўйича ўқиш ва қўшимча малакага эга бўлиш(танланган йўналиш бўйича; чет тилидан таржимон; ЭҲМ дастурчиси; касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси ва ҳақозо)
- ✚ Мақсадли дастур бўйича яққа тартибда (индивидуал) ўқитиш
- ✚ Чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитиш (фундаментал фанлар; умумкасбий фанлар; менежмент, маркетинг, аудит; ҳуқуқий фанлар; экология ва бошқалар)

Иқтидорли талабаларга дарс беришга илмий даражали ва талабани мақсадли тайёрлаш дастури бўйича етарли билимга эга бўлган профессор-ўқитувчилар жалб этилади.

Иқтидорли талабаларга илмий раҳбар этиб, иждодий ва услубий ишлар тажрибасига эга бўлган, ўқув-услубий ва илмий фаолияти бўйича рейтинг юқори бўлган профессор ва доцентлар тайинланади

Иқтидорли талабалар илмий раҳбарларининг асосий вазифалари:

- ✚ Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш дастурини тузиш ва уни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- ✚ Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича етакчи хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни ўз фаолиятида қўллаш
- ✚ Янги педагогик технология, компьютер технологияси ва видео-аудио техникаларни ўқув жараёнида кенг қўллаш
- ✚ Мақсадли дастурни муваффақиятли бажараётган иқтидорли талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш

Битирув малакавий иш

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси мазкур низомга асосан ўтказилади.

Якуний давлат аттестацияси ҳар бир таълим йўналиши бўйича олий ўқув юрти учун ташкил этиладиган давлат комиссиялари томонидан амалга оширилади ва у «Давлат аттестация комиссияси» деб аталиди.

Давлат аттестация комиссияларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ✚ Битирувчининг тайёргарлик даражасини ва унинг тайёргарлик ҳолати давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ келишини комплекс баҳолаш
- ✚ Якуний давлат аттестацияси натижалари бўйича малака бери шва битирувчиларга олий таълим тўғрисидаги тегишли диплом бериш масаласини ҳал қилиш

- ✚ Комиссия фаолиятини натижалари асосида битирувчиларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Битирувчининг якуний давлат аттестацияси қуйидаги кўринишдаги бир ёки бир нечта аттестация синовларидан иборатдир:

- ✚ Айрим фан бўйича якуний аттестация синови
- ✚ Йўналиш (мутахассислик) бўйича фанлараро якуний аттестация синови
- ✚ Битирув малакавий иши ҳимояси

Битирув малакавий ишини бажариш олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Талабаларга (рейтинглари бўйича камайиш тартибидан) малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи ерилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағини тўловчи бюртмачи зарурий асослар билан малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Малакавий иш мавзуси ва раҳбарини талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқнинг шакли олий ўқув юртининг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

Малакавий ишни бажаришга раҳбарлик қилиш. Малакавий ишга раҳбарлар ушбу олий ўқув юртининг профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Малакавий иш раҳбари:

- ✚ Топшириқ беради
 - ✚ Малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради
 - ✚ Асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади.
 - ✚ Талабалар билан мунтазам равишда консултациялар ўтказиши
 - ✚ Малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади
 - ✚ Талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларнинг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўймайди
- Малакавий иш раҳбарининг таклифига биноан, кафедра малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджет ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консултантларни таклиф этиши мумкин.

Малакавий ишнинг бўлимлари бўйича консултантлар этиб, олий ўқув юртларининг профессорлари ва доцентлари, илмий ходимлари ҳамда бошқа муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари тайинланишлари мумкин. Консултантлар талаба бажарган ишнинг мувофиқ қисмини текширадилар.

Мутахассис чақирувчи кафедра малакавий ишга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳажмини белгилаган ҳолда малакавий ишни бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва талабаларни таъминлайди.

Малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади. Малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалар, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта номлари кўрсатилган ҳолда) ишларни акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодалаши лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмига графиклар, расмлар эскизлар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий бошқа ахборотлар ёзилган дискеталар илова қилиниши мумкин.

Тушунтириш қисми қулёзма шаклида расмийлаштирилган бўлиши лозим. Тушунтириш қисми камида 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади. чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ГОСТлар талабларига қатъий мувофиқ келиши лозим.

Архитектура йўналишидаги чизмаларга қўйиладиган талаблар мувофиқ ўқув-услубий бирлашмалар томонидан белгиланади.

Кафедранинг тавсиясига биноан малакавий иш чет тилларнинг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилида бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

Малакавий ишнинг бажарилиши. Малакавий иш олий ўқув юртининг, одатда, Ушбу мақсадда махсус ажратилган хоналарда бажарилади. Айрим ҳолларда, малакавий иш корхоналар, муассасалар, илмий, лойиҳалаш ва бошқа муассасаларда бажарилиши мумкин.

Малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади. Деканат белгиланган муддатларди, талаба малакавий ишнинг бажарилиши ҳақида раҳбар ва кафедра мудирини олдида ҳисобот беради. Кафедра мудирини малакавий ишнинг тайёрлик ҳолатини белгилайди.

Талаба-иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жавоб беради.

Малакавий ишни ҳимоя қилиш. Белигиланган тартибда расмийлаштирилган малакавий иш талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳба малакавий иш белгиланган талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирини тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. Кафедра мудирини тақдим этилган материаллар асосида, малакавий ишни талаба томонидан ДАКда ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар кафедра мудирини малакавий ишни ҳимояга

киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факултет декани томонидан тақриз учун ректорга тақдим этилади.

Ҳимояга киритилган малакавий иш тақризга юборилади.

Тақризчилар таркиби битирувчиларни истеъмом қилувчи соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сафида олий ўқув юртлирининг профессор ва ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

Факултет декани малакавий ишни тақриз билан ҳимоя учун ДАК га юборади.

Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлири битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Малакавий иш ҳимоядан сўнг (камида 10 йил) олий ўқув юртида сақланади. Ҳар хил сабаблар бўйича малакавий ишни бошқаларга топшириш заруряти мавжуд бўлган ҳолда (тақдим этиш, танловлар ва ҳақозо), ишдан нусха олинади (ишнинг асл нусхаси олий ўқув юртида қолдирилади).

БЎШ ВАҚТНИ ЎТКАЗИШ ВА ДАМ ОЛИШ

Олтиндан қадрли, жавохирдан қимматли нарса - вақтдир. Оқиб кетган сувни қайтариб бўлмаганидек, ўтиб кетган вақтни ҳам қайтариб бўлмайди. Шунинг учун бирор сония вақтни бекор ўтказмасдан фойдали иш қилиб қолиш керак. Вақтнинг қадрига етиш ва унинг ҳар бир дақиқасидан унумли ва оқилона фойдаланиш даркор.

Доно халқимизнинг: "Вақтнинг қадрига ет", "Вақтинг кетди - нақдинг кетди" каби ҳикматли сўзлари ҳам худди ана шу бўш вақтни қадрлай олиш, ундан унумли фойдаланишни кўзда тутиб айтилган ҳикматлардан бўлса, ажаб эмас. Олий таълим муассасасида талабалар дарсдан бўш вақтида турли ишларга жалб қилинадилар. Бу ишлар ўз мақсади бўйича турли шаклда бўлади:

1. Дарсдан ташқари ишлар:

- а) кутубхонада шуғулланиш,
- б) уйда мустақил тайёрланиш,
- в) ўқитувчилар билан суҳбат,
- г) дўстлар билан дарс тайёрлаш,
- д) тўғаракларга қатнашиш.

2. Маданий ишлар:

- а) спорт билан шуғулланиш,
- б) кино, театрларга бориш,
- в) бадиий адабиётлар ўқиш,
- г) бадиий тўғаракларга қатнашиш,
- д) жамоат ишларида қатнашиш.

3. Хўжалик ишлари:

- а) хонани тартибга келтириш,
- б) кийимларни тартибга келтириш,

- в) дўстлари билан бўладиган ишлар,
- г) шанбалик, навбатчилик ишлари.

ТАЛАБАНИНГ ЎҚУВ - ЛАБОРАТОРИЯ БИНОЛАРИДА ЎЗИНИ ТУТИШИ

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўзининг бир шеърида: Шу осмон сеники ва шу озод юрт, шу тупроқ сеники, кўзларинга сурт,- дейди. Азиз талабалар! Шу мухташам бинолар ва асбоб - ускуналар сизлар учун. Уларни асраб-авайлаш сизнинг энг талабалик бурчингиздир. Чунки, ҳар бирингиз шу даргоҳда таълим оласиз.

Таълим муассасасидаги барча жикозлар Сизнинг савиянгизни оширишга қаратилган. Кўп лабораторияларда тайёрланган асбоб-ускуналар ўқитувчилар ва фаол талабалар ёрдами билан тайёрланган.

Шунинг учун бу асбоб ва ускуналарни асраб - авайлашга, кўлингиздан келса, имкониятингиз бўлса, Сиз ҳам ўз навбатида шунга ўхшаш асбоб - ускуналарни тайёрлашда ўз ҳиссангизни кўшишга ҳаракат қилинг.

Булардан ташқари, Самарканд қишлоқ хўжалик институтида сизларнинг маданий савиянгизни ошириш мақсадида қанчадан - қанча кўрғазмали, намунали материаллар ва услубий кўлланмалар институт йўлакларида ва лаборатория деворларида осиб қўйилган - булар ҳаммаси Сизлар учун! Буларни бир иеча дақиқа бўш вақтингизни бериб танишиб чиқсангиз анча баҳра оласиз, ўз касбий савиянгиз ва маънавиятингизни бойитган бўласиз. Бу кўрғазмаларнинг барчаси ўқитувчиларингиз ташаббуслари билан Сизлар учун тайёрлаган, демек уларни асраш Сизга ҳам қарз, ҳам фарздир.

ОБОДОНЧИЛИК - ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Бизнинг ўқув юртимизда таълим ва тарбия олаётган ҳар бир талаба кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида жуда фаол қатнашадилар. Ҳар бир гуруҳ учун маъмурият томонидан ер участкаси ва ободончилик майдончалари бириктирилган. Талабалар бўш вақтларида ер участкаларини бегона ўтлардан тозалаб, ер ағдариш, суғориш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланадилар.

Таълим муассасаси ва унинг теварак - атрофини тоза тутиш, асраб - авайлаш ва ободонлаштириш талабаларнинг шарафли бурчидир.

Таълим муассасаси ички тартиб - қоидаларни мустахкамлаш тўғрисида ректорининг буйруғига асосан, таълим муассасаси, ўқув лаборатория бинолари, талабалар турар жойлари худудлари ичкилик ичилмайдиган ва чекилмайдиган худудлар деб эълон қилинган. Ушбу қоидага риоя қилмаганлар талабалар сафидан четлаштирилиши, профессор - ўқитувчиларга, ходимларга эса қонун асосида интизомий чоралар кўрилиши буйруқда ўз ифодасини топган.

Таълим муассасаси атрофи хушманзара бўлса нақадар роҳатланасан киши! Шунинг учун таълим муассасаси маъмурияти ободончиликка анча диққат билан эътибор беришяпти. Лекин бу хайрли ишда сизларнинг фаол қатнашишингиз талабалик бурчингиздир.

Ҳар бир талаба ўзидан кейин ҳеч бўлмаганда бир ниҳол нишона қолдирмоғи шарт, шундагина таълим, муассасаси атрофи йил сайин кўркам бўлади. Унинг соясида дам оладиган ҳар бир талаба ва ўқитувчи, ҳар бир ходим ва йўловчи Сизнинг меҳнатингизга ташаккур, тасаннолар айтажак!

ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИДА ЯШАШ ТАРТИБИ

Талабалар турар жойлари - таълим олиш даврида талабаларни вақтинчалик яшаш жойи билан таъминлайди. Талабалар турар жойидан яшаш жойи олиш учун факультет декани номига ариза ёзилади. Мазкур ариза ўрнатилган тартибда кўриб чиқилгач, талабага яшаш жойи берилади.

Талабалар турар жойида яшовчилар учун зарурий шарт - шароитлар яратилади. У ерда ички тартиб - қоида мавжуд бўлиб, унга барча талабалар бўйсунуши лозим. Ички тартиб - қоидага зид фаолият олиб борган талаба тегишли тартибда турар жойи маъмурияти томонидан огоҳлантирилади. Агарда бу натижа бермаса, яшаш жойидан маҳрум қилинади.

Талабалар турар жойлари том маънода талабаларнинг иккинчи уйи, чунки у бу ерда тўрт йил давомида яшайди, дам олади, машғулотларга тайёрланади. Шунга биноан, талаба ўз хонасини тоза-озода тутишга, ашёларни эҳтиёт қилиб сақлашга одатланади.

Ҳар бир талаба талабалар турар жойидаги барча жиҳозлар, бино, мебеллардан тортиб, то кўрпа-тўшаккача ҳаммаси бу халқ мулки ва талабаларга фойдаланиш учун пулсиз бериб қўйилганлигини ва уларни асраб-авайлаб тутиш лозимлигини тушунмоғи лозим.

Талабалар турар жойидаги қулай яшаш шароити ва маиший турмуш тарзи - талабаларнинг яхши ўқиши, тетик ва соғлом бўлишида катта роль ўйнайди.

Кафедралар ташаббуси билан талабалар турар жойида турли мавзуларда кеча, мулоқот, давра суҳбати, шоир, ёзувчилар ва санъат ходимлари билан учрашувлар ўтказиб турилади. Бундай тадбирлар талабаларнинг тарихий, ҳуқуқий, ахлоқий ва умуман назарий-амалий савияларини такомиллаштиришга ёрдамлашади.

Талабалар турар жойида намунали тартиб-интизом ўрнатиш учун унда истиқомат қилувчи ҳар бир талаба масъулиятни ҳис этиши учун:

- вақтида машғулотларга тайёрланиб бориш;
- талабалар турар жойлари атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тоза-озода сақлашда ёрдамлашиб бориш;
- фан асосларини чуқур эгаллашда талабалар турар жойида ўтказиладиган мунозара, мулоқот ва давра суҳбатларига фаол иштирок этиш;
- спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларга қатнашиб бориш;
- эстетик дидини тарбиялашга эътибор бериш;
- талабалар турар жойидаги қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, ва даврий матбуотни ўқиб бориш;
- талабалар турар жойидаги стол-стуллари, китоб, газета, журналларнинг, шахмат-шашка ва бошқа буюмларни саранжом-саришта сақлаш;

- соғлиқни сақлаш ва гигиена қоидаларига риоя қилиш ва бошқалар.

Талабалар ўртасида тартиббузарлар бўлиши, талабалар турар жойлари жиҳозларини синдириб, шикастлантириб, стол ва деворларга турли шакллар чизиб юрувчилар ҳам бўлиши мумкин. Бундай муносабат талабанинг маданият сизлигидан келиб чиқади.

Тартиббузар талабаларга нисбатан талабалар турар жойлари кенгаши "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати уюшмаси билан ҳамкорликда бу масалалар муҳокама этиб борилади.

ОРЗУИМИЗ - БАРКАМОЛ АВЛОД

Баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари - энг муътабар зиёлилари ҳисобланадилар. Улар орасида Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаган боболаримизнинг ўз ўрни, ҳурмати бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳақиқатдир. Баркамол авлодни тарбиялаш орзусига ўз тарихимиздан кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Ал Фаробийнинг «Фозил одамлар шахри» асаридаги ғояни ёдга олинг. Унга кўра жамиятнинг ҳар бир фуқароси - мансаби, тутгаи ўрни, яъни ким бўлишидан қатъий назар, фозил киши бўлмоғи лозим. Фозил инсон ўз Давлатининг барча қонун-қоидаларни яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, ўз касбинининг устаси, лозим бўлганда Ватан учун жон фидо қилади. Фозил шахар аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади. Ота-она ва фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади. Бу нарса боболаримизнинг маънавий даражаси нақадар юксак бўлганлигини кўрсатади. Демак, бизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ҳақидаги ғоямиз учун маънавий асос бор эди. Миллатимиз урф-одатлари, илм ва билимга интилиш хислати бир неча минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган.

Боболарнинг шу каби ўй-фикрлари, ёшлар тарбиясига эътибор тилдан - тилга кўчган, китобларда ёзиб қолдирилган. Соҳибқирон Амир Темур давлатида фан ривожини учун шароит яратилган, маданият ривожлашган, минораю масжидлар бунёд этилган.

Демак, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиз бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келаяпти.

Факатгина чинакам маърифатли одам инсон ўз қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

«Мамлакатимизнинг истикболи йўлидаги биринчи қадамларданок, маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустахкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда, - дейди юртбошимиз Ислом Каримов.

Ўқитувчи ва талаба муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши керак. Ўқитувчининг бош вазифаси талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Ҳаммамизга маълумки ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислохотларни ўтказиш, ўзбек модели деб ном олган ислохотлар сиёсатининг асослари бўлмиш беш тамойилнинг бирида ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш вазифаси қўйилган. Шунинг учун таълим-тарбия соҳасида ҳам белгиланаётган ислохотларни ҳаётга тадбиқ қилишда мана шу тамойил асосий ўрин эгаллайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига хизмат қилади. Уларнинг касбий ва таълимий дастурларни онгли равишда танлаш ва эгаллашлари учун ҳуқуқий меъёрларни, ташкилий, рухий-педагогик шарт-шароитларни таъминлашга кўмаклашади. Йигит-қизларимизни жамият, давлат, оила олдида ўз маъсулиятни чуқур англаб етувчи шахслар этиб тарбиялашга замин бўлиб хизмат қилади.

Биз янги асрга қадам қўйдик. Бу асрда меҳнат қилиб, ўзининг устида тинимсиз ишлайдиган, узлуксиз таълим оладиган, доимий равишда ўз билим эҳтиёжларини қондириб, олган билимини оиласи, халқи ва давлати ривожланишига сарф қила оладиган шахсина муносиб ўринни эгаллаши мумкин. Худди мана шунинг учун Миллий моделimizда узлуксиз таълимга катта аҳамият берилган.

Узлуксиз таълим — миллий моделimizнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Унга кўра, мамлакатimizда узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари, турли даражадаги таълим дастурларнинг изчиллиги асосида таъминланади. Мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта-махсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълимни узлуксиз таълим ўз ичига олади.

САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

Талаба бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Талабалар таълим-тарбия олиши учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга ўрганмоғи, ўз одоби, хулқ - атвори билан бошқа ёшларга ибрат бўлмоғи лозим.

Миллий анъаналарimizга кўра, инсоннинг комиллиги, аввало унинг ахлоқий етуклигига, аждодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш йўлида қилган хизматларида, колаверса, **катта-кичикка эхтиром кўрсатиш** борасидаги ҳаракатларида кўзга кўринади. Ахлоқийлик, одоблилик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш эса авваламбор, саломлашиш маданиятидан бошланади.

Бизда, ўзбекларда эса саломлашиш самимий кўришишни ва илиқ илтифотни аңлатади. Бу илтифот аввало "**Ассалому алайкум**" иборасини ифодалайди.

"Ассалом"нинг маъноси кишининг саломатлиги ва тинчлиги учун зарур бўлган шароит ва кайфияти тушунилади.

Шунинг учун ҳар қандай танишув ва учрашувда аввало "Ассалому алайкум", яъни **"Сизга омонлик ва тинчлик тилайман"** ибораси ишлатилади. Бунда "алик" олувчи киши албатта юксак эҳтиром билан **"Ваалайкум ассалом"**, яъни **"Сизга ҳам омонлик ва тинчлик тилайман"**, дея ширин лутф ила жавоб бермоғи шарт.

Араб тилида "тинчлик" маъносини англатадиган **"салом"** - сўзи муқаддас бўлиб Қуръони Каримда 40 марта учрайди. **"Ас - салом"** Аллох таоллонинг исмларидан биридир. Рассулоъсалаллоху алайҳи ва салламдан бир киши сўради: "Исломда энг яхши ислатлар қайсидир?" Дедилар: **"Очларга таом бермоқлик, таниган ва танимаганга салом бермоқлик"**. Дарҳақиқат, набий саллаллоху алайҳи васаллам саломни оммалаштирмоққва даъват қилганлар, чунки, саломлашганда бир - биримиз учун энг мақбул дуо қиламиз..

Саломлашганда кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат, самимият ва бир - бирига нисбатан меҳр - муҳаббат пайдо бўлади. Аммо, ҳар доим ҳам бу гўзал одатга амал қиламизми?! Ваҳоланки, "Таниган - танимаганга" салом бермоқ лозим. Кўпинча нотаниш одамларга салом берсак, улар хайрон бўлишади, "мени кимгадир ўхшатди шекилли", - деб ўйлашади. Демак, улар "танимаганларга ҳам салом бермоқлик" ҳақидаги ҳадисдан огоҳ эмас.

Шарқда азал-азалдан саломлашиш қоидалари мавжуд булиб, бошни эгмасдан кўлларини кўкракка қўйиб салом бериш тавсия қилинади. Кўп кишига учрашиб қолган киши уларнинг ҳар бир - бирига алоҳида - алоҳида салом бериши шарт эмас, балки ҳаммасига битта салом кифоя қилади. Камситиб, таҳқир қилгандай бўлиб, илжайиб салом бериш одобдан эмас. Салом бериш самимий бўлса, алик олган киши бошини қимирлатибгина қўймасдан, салом жавобини ҳурмат билан тўла - тўкис эшитгириб айтса, саломлашиш мукамал бўлади. Агар инсон бирор танишини узоқдан кўриб қолиб, унинг ёнига боролмаса, ўша ердан туриб, кўлини кўксига қўйиб салом ишорасини бериши мумкин. Саломлашган чоғда кўл учинигина бериб саломлашиш одобдан саналмайди. Бундай қилиш салом берган кишини камситиш, уни кўзга илмаслик бўлади. :

Бир донишманддан сўрабдилар: «Кўчада ёши ва жамиятда тутган ўрни бир хил икки киши учрашибди. Уларнинг қайси бири биринчи бўлиб салом беради?». -«Яхши тарбия олгани», - дебди донишманд. Шунга ўхшаб, ёшларнинг таълим -тарбиясига уларнинг саломлашишига қараб ҳам баҳо берса бўлади.

Шарқнинг кўпгина мамлакатларида эса аёллар билан эркаклар муносабатларида, айниқса, уларнинг ўзаро кўришиш ва саломлашиш жараёнида шарм - ҳаё ва аёлга ҳурмат биринчи ўринда туради. Шу боис ўзбек таомилига кўра ёшлар ўзидан **катталарга**, ўқувчи, **талаба**, шогирд **устозга**, эркаклар эса аёлларга, юриб кетаётган киши ўтирган кишига салом биринчи бўлиб **салом** берадилар.

Саломлашиш юксак маданийлик ва чин одамийликининг кўзгусидир. У халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ва уларнинг одатга айланиб қолган. Кўпчилик ўтиришган меҳмонхонага кейинроқ кириб қолган киши уларга "Ассалому алайкум!" деб мурожаат қилади ва "кўрганимиз-кўришганимиз" дея узр сўрайди. Баъзи кишилар оддийгина саломлашишдан кўра ўпишиб кўришиш ҳар иккала томоннинг бир-бирига яқин дўстлигини ифодалайди, дейишади. Ўпишиб кўришиш моҳияти ва кўриниши жихатидан самимий саломлашишни асло акс эттирмайди. Бу одат шахсий саломатлик гигиенасига ҳам тўғри келмайди. Чунки, у турли юқумли касалликлар манбаи бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бу одат ибосиз, бачкана хатти-ҳаракат бўлиб, бизнинг шарқона, соғлом турмуш тарзимизга мос келмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, **салом -алиқ қилиш ҳаёт мезони, одамийликнинг алифбосидир.** Унинг асоси - самимийлик, ибо ва тарбиядир. Бас, шундай экан, саломлашиш санъатини кўз қорачиғидек сақлаш, унинг ҳамма қоидаларига риоя қилиш - ёшлар учун ҳаётини заруратдир.

Имом ал- Бухорий ""Ҳадислар" 4 –томлик.

СОҒЛОМ АВЛОД ҒОЯСИ

Жамият таракқиётида турфа тоифа кишиларининг муштарак мақсад-муддаолари ифодаси бўлган ғоялар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис миллий мафкура халқнинг умумий манфаатлари асосида шаклланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган **соғлом авлод ғояси** халқимизнинг асрий мақсад-муддаоларини акс эттиради.

Бу ғоя, аввало, фарзандларимизни ҳам **жисмоний, ҳам маънавий** камолига хизмат қиладиган таълим-тарбия тизимини шакллантириш борасида бизни улкан ишларни амалга оширишга даъват этмоқда.

Иккинчидан, **соғлом авлод** ва бозор иқтисодиёти ёшларимизда тадбиркорликни, ижодкорликни ва бунёдкорлик фазилатларини камол топтирди.

Учинчидан, бу ғоя бизни **ватанпарварлик** тамойиллари асосида яшашга ундаб туради. Шунда ҳар бир фуқаронинг кўз ўнгида мудом юрт ва миллат шаъни гавдаланиб туради, жамиятда тенглик ва поклик қарор топади.

Тўртинчидан, **соғлом авлод ғояси** кишиларни огохликка ундайди. Бу эса юртимиз шаънига доғ тушурувчи, миллат манфааларига қарши борувчи, уларни атайлаб оёқости қилувчи кимсаларга муросасиз бўлишни тақозо этади.

Бешинчидан, **соғлом авлод ғояси** ижтимоий адолат ва ҳуқуқий маданият тамойилларига таянади. Маълумки, ресаубликамизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этади.

МАДАНИЯТЛИЛИК

Маданиятли бўлиш, ширинсуханлик инсон ҳуснининг шартларидандир. Буларсиз инсонда на гўзаллик бору ва на абадийлик. Дарҳақиқат, ҳар бир одам хулқ - атвори, хатти - ҳаракати, юриш - туриши, ўзини тутиши, демак, маданий савияси жихатидан эл орасида ё яхши, ё ёмон ном қолдиради.

Ҳурмат билан тилга олиншига ҳам, нафрат билан юз ўгирилишига ҳам одамнинг ўзи сабабчи. Одам боласи эса дунёга фазилати, адолатли, маданияти билан бошқаларга ибрат бўлиш, уларни яхши йўлдан эргаштириб бориш учун келади.

Яхши фазилат шундай улуғ нарсаки, уни одам ҳаётининг маънавий хазинаси деса бўлади. Бу хазинада инсон хуснининг дурдоналари сақланади. Бу дурдоналарни ҳар бир одам ўзи битта - биттадан териб, хусн хазинасига келтириб тўқади. "Инсон" деганда биз шу маънавий бойлик хазинасининг ажойиб соҳибкорларини тушунамиз.

"Маданият" бозорда сотилмайди, шунингдек, етуклик шаходатномасига ёки дипломига "Бу киши маданиятли" деб ҳам ёзилмайди. Бу юксак ҳуқуқни одамга унинг ҳаётда тутган ўрни, меҳнати, хулқ - атвори беради.

Ҳаётнинг ичига кирган киши, эл ичида бўлиб, эл билан юрган киши халқимизнинг ажойиб маданиятини кўрмай, бу инсоний маданияг неча асрлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётганини пайқамай иложи йўқ.

Инсон илми ё ижтимоий мавқеидан, ёши, ё касб-коридан қатъи назар, ҳар кун, балки ҳар соат одамлар билан муомалада бўлади. Одамлар жамоасидан айри яшаш мумкин бўлмаганидек, хизмат бурчи ё турмуш эҳтиёжи билан ҳам одамларга рўпара келмаслигининг иложи йўқ. Бу эса, одам иши одам билан битади, деган сўз. Лекин бу иш ширин битадими ё аччиқ - буниси муомала эгасининг хулқ - атворига, кўпол ё мулойим муомаласига боғлиқ. Нимага десангиз, ширин муомала билан битмайдиган иш ҳам битади, кўпол муомала билан эса битадиган иш ҳам битмай қолиши мумкин. Лекин бу гапимиздан; "Фақат ишни битириб олиш учунгина хушмуомалада бўлиш керак экан-да", деган хулоса чиқмаслиги керак, албатта. Рост-да, инсонни чинакам инсон қиладиган нарса унинг яхши фазилатлари бўлса, хушмуомалалик шу яхши фазилатларнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бундоғ ўйлаб қаранг-а, одамнинг яхши ё ёмонлиги, ахлоқи ё ахлоқсизлиги, маданиятли ё маданиятсизлиги, шафқатли ё шафқатсизлиги, соддалиги ё кибру хаволилиги юриш-туришидан ҳам олдин муомаласидан билинади. Шунинг учун ўз қадру қийматини билган одам энг аввал муомала одобининг ғамини ёйди.

Инсониятнинг муомала қуроли тил бўлиб, одамлар бир - бирлари билан бўладиган барча муомала ва мулоқотларини сўзлашиш ёрдамида амалга оширади. Одамнинг шарафи ва ифтихори унинг маданиятли сўзлашишидадир.

Азизларим, тилга эҳтиёт бўлинглар! Киши дилини оғритадиган, кўнгилни қолдирадиган, иззат - нафсига тегадиган, ор - номуси, шаънини оёқ ости қиладиган сўзни ҳеч сўзламанглар. Ҳамма вақт ширинсўз бўлинглар. Тилларингиздан доимо яхши сўз чиқсин. Чунки, тилдан етган озор найза озоридан ёмондир.

Маълумки, юқорида ишора қилиб ўтганимиздек, одам боласи дунёда якка-ёлғиз яшамайди, яшай олмайди ҳам. Бу одамзод пайдо бўлгандан бери давом этиб, кун сайин кучайиб бораётган бир ҳақиқат. Инсон онадан туғилгандан бошлаб бутун умрини, бутун ҳаёт фаолиятини жамият ичида,

одамлар орасида ўтказди. У ҳоҳ уйида бўлсин, ҳоҳ иш жойида бўлсин, одамларга тўқнашмай иложи йўқ. Шунинг учун у ўзини жамиятга мос тутишга, яъни теварагидаги одамларни ҳурмат қилишга, ўзи ҳам улардан ҳурмат кўришга интилиши керак.

КИЙИНИШ ОДОБИ

Халқимиз азал - азалдан яхши хулқли кишиларни, иболи аёлларни ҳурмат қилиб, уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатган. "Гул ўсса **ернинг кўрки**, киз ўсса **элнинг кўрки**" деган ҳикматни мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, унда қизларнинг гулга, нафосатга қиёсланиши ва миллатнинг келажаги кўп жихатдан уларга боғлиқлигини тасдиқловчи ҳақиқат яширинганлигини кўрамиз.

Миллат тақдири, баркамол авлодни тарбиялаш эса аёлларга дахлдор бўлгани боис улар ҳамиша эъзозда. Мухтарам юртбошимиз «**аёлларимизни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз**», - деб уларга юксак баҳо берганлар.

Демак Ватан, Она Юрт, жамият, қолаверса, табиатни ўзи аёлнинг нозик елкасига ўта маъсулиятли вазифани юклаган экан. Ҳар бир киз доимо "ана шу муқаддас вазифани адо этишга тайёрманми?" деган саволни ўзига бериб, турмуш тарзи, қўяётган ҳар қадами, меҳнати, ўқиши шу вазифани бажаришга мувофиқми ёки йўқлигини ҳис этиши лозим.

Гўзал ва чиройли бўлиш - ҳар бир аёлнинг орзуси. Ўзбек қизини ҳаё, ибосининг фазилатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Абдулла Авлоний ҳаёга шундай таъриф беради: "**Ҳаё деб ишда, сўзда, адабга риоя қилмакни айтилур, ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир**". Демак, ҳар бир киз ҳаёси, ибоси, андишалилиги билан гўзал. Бу ҳислатлар уйғунлашиб унинг қиёфасига кўркамлик, олижаноблик ва юксаклик бағишлайди. Гўзал хулқ ва яхши одоб эгалари эл - юрт ичида ҳамиша иззат ва обрў топган. Шу боис, биз ёшларимиз, хусусан, қизларимизнинг гўзал хулқ соҳибалари бўлишларини чин дилдан истаймиз.

Бугунги кунда барчани баробар ташвишга солаётган масала - бу ёшларимизнинг кийиниш маданиятидир. Либос одамнинг қай юрт фарзанди эканлигини, уни кийган одамнинг ички дунёси, ақлу — фаросати, диди, диёнати қай даражада эканидан дарак беради. Яхшилаб разм соладиган бўлсак, дунё халқлари энг катга минбарларда, қаддини жаҳон кўрадиган жойларда, ўзининг муборак кунларида миллий тили, миллий кийимлари ва миллий - маданий меросларини намойиш этиб ўртага тушади. Бу уларнинг «**менинг наслу насабим бор, зотим, тарихим тайин**» деганидир. Ҳар бир халқнинг ўзига хос диди, орзу — истаклари ва кўникмалари бор. Мана шу ўзига хосликни биз **миллийлик** деймиз.

Ҳозирги даврда қизлар, аёллар орасида европача кийинишнинг кенг урф бўлиб бораётгани, миллийликдан тобора узоклашиб бораётган

қизларимизнинг мини юбкалар, тўрт томони чок, ниҳоятда тор кўйлақлар, тор шимлар кияётгани хусусида бош қотиришга тўғри келади. Гап бу кийимларнинг кишининг ғашига тегиши ҳақидагина эмас, балки, уларнинг қизлар саломатлигига салбий таъсири ҳақида ҳам бормоқда. Миллий кўйлақлар эса гўёки муборак парда, улар қадду қоматларни ёмон кўздан асраб туради. Ўз қадрини билган, миллийликка амал қиладиган қизларимизнинг энг катта ютуғи ўз малоҳатларини яширин тутишларида!

Халқимизда чиройли бир нақл бор: **"Либосаро бўлгунча мажлисаро бўл"**.

Баъзи қизларимиз либосига, кийим - бошига оро беради — ю, бироқ юриш - туриш, сўзлашиш, муомала одобига риоя қилишмайди. Бундайлар ширинсўз, хушмуомала, маънан гўзал бўлишига шошилсинлар. Акс ҳолда халқ ичида беобрў бўлиб қолишлари мумкин.

Яхши кийиниш ўзига хос санъат. Киши бу санъатни эгаллаши учун мода талабларига риоя қилибгина қолмай, ўз эстетик дидини ҳам узлуксиз тариялаши керак. Чунки, киши чиройли кийинган бўлиши мумкин, лекин у юриш - туришда ўзини тута олмаса, адл юра олмаса, кийимининг гўзаллиги ва орасталиги кўзга кўринмайди. Ташқи қиёфага эътибор бериш ички маънавий гўзалликнинг ифодаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қизларимиз чиройли, ораста кийинса, ибo - ҳаё, ифбат каби фазилатларни юксак билиш баробарида ўзининг мустақил фикрига эга бўлса, ҳар бир қадамини пухта ўйлаб кўйса, ён - атрофида кимлар ва қандай фикрли инсонлар борлигини яхши анласа, ҳеч қачон ўз йўлидан адашмайди. Асримиз ваболари бўлмиш наркомания, ахлоқий бузқлик каби иллатлар ҳеч қачон уларга яқинлашмайди. Ёт ғоялар уларга ҳеч қандай таъсир ўтказолмайди. Бизнинг асосий мақсадимиз ана шундай покиза, оқила ва зукко, огоҳ ва хушёр талаба - қизларни сафимизда кўриш ва тарбиялашдир.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Биз нотинч ва тахликали даврда яшаётганимизни унутманг! Инсоният XXI асрга ўзининг энг яхши ниятлари билан қадам кўйган бир пайтда халқаро терроризм ва диний экстремизм мамлакат ва халқлар ҳаётига хавф солмоқда, уларнинг доимо кўрқув остида яшашини хоҳламоқда; Бугунги кунда дунёда бирорта давлат йўқки, у терроризм ва экстремизм хавфи остида яшамаётган бўлса. Терроризм дунё микёсидаги вабога айланмоқда. Терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш ва унинг содир этилишига йўл қўймаслик фақатгина аксилтеррорчилик ташкилотларининг бурчи бўлмай, балки, ҳар бир фуқаро ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Терроризмга қарши кураш пухта ўйланиб, мавжуд халқаро қонунлар ва бошқалар норматив ҳужжатлар асосида олиб борилмоғи керак. Ўзбекистонда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий - маърифий асослари бўйича Республика олий ўқув юртларида 14 соат ҳажмида ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Бу ўқув курси талабаларда миллий ифтихор ҳиссини

кучайтирди, зарарли ғояларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириб, диний экстремизм ва терроризмга нисбатан нафрат уйғотади.

2004 йилнинг 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида ва 2005 йилнинг 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатларининг асл мақсади - Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузишдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва кўркув солиш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш эвазига юртимизда, минтақамизда террорчилар ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказиш мақсадида шундай — қабиҳлик қилинган экан.

Ҳар томонлама пухта тайёрланган бу жинойий ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз ташқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремизм марказларига бориб бевосита тақалишини, уларнинг уюшган ташкилот ёки гуруҳлар томонидаи амалга оширилганини айтиб ўтиш жоиздир. Шу ўринда шундай савол туғилади: бундай ҳаракатлар қайтарилмаслиги учун нималар қилиш, ёшларни қандай тарбиялаш керак?

Авваламбор, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, ҳар бир талаба бир тану бир жон бўлиб терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб бориши зарур. Шунингдек, мустақил тараққиётни кўраолмайдиган айрим кучларнинг информацион хуружлари, "демократия экспорти" ҳақидаги кутқуларидан огоҳ бўлинг.

Азиз талабалар! Биз шунга аминмизки, сўнгги йилларда дунёдаги барча тинчликпарвар кўнгилларини ташвишга солаётган терроризм, диний экстремизм балоси ҳам таг - томири билан йўқолиб кетишга маҳқум. Чунки, шу пайтгача яхшиликка муҳолиф куч ҳеч қачон музаффар бўлмаган.

КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Талабалар! Мана, кўлингиздаги ушбу услубий кўлланма "**Талабанинг йўлдоши**" деб аталади. Ўйлаймизки, ушбу кўлланма талабалик йилларингизда Сизнинг энг яқин йўлдошингиз, яқин маслаҳатгўйингиз бўлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг азиз фарзандлари! Президентимиз "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" деганларида Сиздек юксак дидли, билимли, қобилиятли, салоҳиятли, фозил фарзандларимизни назарда тутганликларини унутманг. "**Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак**" лигини дилингизга жо этинг, Сизлардан аجدодлар руҳи шод бўлсин, ота боболарингиз, халқингиз, миллатингиз ва келажак авлод мамнун бўлсин. Баркамол, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган инсон бўлиб улғайинг. Бунинг учун:

- Мустақил Ватан тақдирини ўз тақдирингиз билан чамбарчас боғланг, бутун фаолиятингизни она диёрга ва унинг буюк келажагига бахшида этинг.

- Ватанамиз мустақиллиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида барпо этилган давлат тузумини, демократия ва қонунчиликни мустаҳкамланг.
- халқимиз ва мамлакатимизнинг буюк келажаги, озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёти, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши Сизга ва Сизнинг келгусидаги фаолиятингизга боғлиқлигини зинҳор унутманг.
- Сиз келгусида жамиятимизнинг барқарорлигини, осойишталигини ва миллатлар ўртасидаги тотувликни, давлатимиз хавфсизлигини, тинчлигини, чегараларимиз дахлсизлигини сақлаб қолишга қодир бўлган Ўзбекистоннинг муносиб фуқароси бўлиб етишишга интилинг.
- Сиз ҳозир ҳам, келажакда ҳам Ватан менга нима берди деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим, эл - юрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қилмоқдаман, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган ўғитга доимо амал қилинг.
- ўзингизда демократик дунёкарашни шакллантириб боринг, уларга тўла амал қилишга ўрганинг, зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, демократия ҳар бир фуқаронинг ҳаёт эҳтиёжига айланган тақдирдагина демократия ҳисобланади.
- демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси бўлиб етишинг.
- халқимиз тарихини пухта ўрганинг ва аждодларимиз қолдирган меросга амал қилинг, улар билан фахрланинг.
- аждодлар, ота - боболар эътиқод қилган динимиз, маънавий қадриятларини ҳурмат қилинг. Одамлар руҳиятини, уларнинг қувонч ва ташвишлари, мақсад ва интилишларини англашга, аҳил, покиза, меҳр мурувватли, оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, адолат ва инсоф билан яшашга интилинг.
- Сиз муқаддас динимиздан ғаразли сиёсий мақсадлар фойдаланишга интилувчи шахслар ва кучларга қарши аёвсиз кураш олиб боринг,
- фуқаролик жамиятининг энг муҳим таркибий қисмлари бўлган маънавият, ахлоқ - одоб, маърифат келгуси фаолиятингизнинг асосини ташкил этсин.
- ёшлик - доноликни ўрганадиган давр. Ҳозирги замон билимларини чуқур эгалланг. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Билаги зўр бирни йиқар, билимли зўр мингни" деган ўғитига амал қилинг.
- умрни бугун - эрта деб орқага сурманг. Вақдан оқилона фойдаланинг ўз устингизда тинмай ишланг. Билингки, халқингиз, ота - онангиз Сиздан етук инсон, жамиятнинг фаол фуқароси бўлиб етишиб чиқишингизни кутмоқда.
- тил бойлиги тафаккур бойлигидир. Давлат тилини мукаммал эгалланг, уни ҳурмат қилинг. Хорижий тилларни ўрганинг ва пухта билинг.
- кексалар, ўқитувчилар, устозлар, мураббийларни эъзозланг ва улуғланг. Уларнинг ўғитларига доимо амал қилинг.
- оила жамиятнинг дуру гавҳари, унинг фаровонлиги, миллат кўзгуси эканлигини дилга жо этинг. Ота - оналар олдидаги фарзандлик бурчингизни тўла адо этинг.

- юртимизнинг набатот ва ҳайвонот оламини, сув манбалари ва атроф муҳитини муҳофаза қилинг.
- яхши дўст орттиришга интилинг, ўртоқларингизни ҳурмат қилинг, улар билан дўстона муносабатда бўлинг. Ҳақиқий дўст туганмас бойлик эканлигини унутманг.
- одамларни севинг. Улардан меҳр ва мурувватингизни дариг тутманг. уларни қайси миллатга, ирққа, динга мансуб бўлишларидан катъи назар ҳурмат қилинг.
- аввало, гўзал ахлоқни, кейин донишмандликни ўрганинг. Одамга ярашадиган, унинг хуснига - хусн қўшадиган либос бу одоб – ахлоқ либоси эканлигини доимо ёдда тутинг.
- оқил ва донолар билан суҳбатдош бўлинг, илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам, уни янада бойитишга интилинг.
- билингки, кўп нарсани билиб кам сўзлаган, ўз билмига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам энг ақлли ва ҳурматга сазовор одам ҳисобланади.
- ёшлик чоғингизда унга хос бўлган **жасорат, келажакка ишонч, бунёдкорлик, билимга чайнқоқлик, софдиллик, самимиятлик** каби олижаноб хислатларни ўзингизда мужассамлантиринг, токи улар камолотга интилган йўлингизда Сизга ҳамроҳ бўлсин.

